

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“АВТОМАТИКА ва ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ
«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Молия» факультети декани
доц. Н. Тўйчибоев

«__»____2012й.

«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
кафедраси мудири профессор
А.Абдуллаев

«__»____2012й.

**«Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби
ва аудити»**

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши битирувчиси
Абдурахмонов Козимжон Комилжон ўғли

ИЛМИЙ РАҲБАР: и.ф.н., доцент Б. Солиев

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. ДТ «Халқ банки» Норин туман филиали
бош бухгалтери
2. ОАТБ “Агробанк” Норин туман филиали
бош бухгалтери 3. Махмудов

АНДИЖОН-2012 й.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
“Автоматика ва электротехнология” факультети,
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” кафедраси,
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” йўналиши 4-гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит» кафедраси мудири
профессор А. Абдуллаев

15.12. 2011й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Абдурахмонов Козимжон Комилжон ўғли

Битирув малакавий ишининг мавзуси: “Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби ва аудити”

1. 4-сонли 14 декабрь 2011 йил кафедра мажлисида маъқулланган.
2. Битирув малакавий ишни топшириш муддати: “_____” июнь 2012й.
3. Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Мавзуга оид қонуний-меъёрий ҳужжатлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Республика Марказий Банки Бошқаруви қарорлари, илмий адабиётлар, ДТ «Халқ банки» Норин туман филиали маълумотлари, илмий мақолалар ва тезислар.
4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари, банкларда ички ва ташқи аудитнинг ташкилий тузилиши.
5. Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади):
1-илова. Банкларда аудит текширувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи
СЕРТИФИКАТ
1-чизма. Ички аудитга фармойиш
2-чизма. Ички аудитга талабном

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	<u>3</u>
1 - боб	Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби ва аудитининг назарий-услубий асослари	
1.1	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида лизингнинг моҳияти, аҳамияти ва уни таснифланиши.....	<u>8</u>
1.2	Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисобини ташкил қилиш хусусиятлари.....	<u>13</u>
1.3	Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари.....	<u>19</u>
2 - боб	ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш хусусиятлари.	
2.1	Лизинг операцияларини дастлабки ҳужжатлаштириш тартиби.....	<u>26</u>
2.2	Лизинг тўловлари графигини ишлаб чиқиш ҳамда лизинг тўловларини ундириш тартиби.....	<u>35</u>
2.3	Лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари.....	<u>42</u>
3-боб	ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг операциялари аудитини ташкил этиш.	
3.1	Лизинг операциялари аудитини ўтказишнинг мақсад ва вазифалари.....	<u>49</u>
3.2	Лизинг операциялари аудитини ўтказиш тартиби.....	<u>55</u>
3.3	Лизинг операциялари аудити натижаларини умумлаштириш тартиби.....	<u>61</u>
	Хулоса ва таклифлар.....	<u>67</u>
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	<u>70</u>

Кириш.

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда турли соҳаларда чексиз ислохотлар олиб борилмоқдаки, бу иқтисодиётнинг барча тармоқларини ҳам камраб олмақда. Бу иқтисодий ислохотлар ичида банк соҳасида олиб борилаётган ислохотлар катта ўринга эга. Бу ҳаракатларнинг натижасида юртимиз банк тизими самарали фаолият юритмоқда ва жаҳоннинг бир неча нуфузли молия ташкилотларининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Банкларимизнинг самарали фаолияти – бу банкларимиз томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари сонининг кўплиги яъни, диверсификация қилинганлиги ҳамда фақатгина дунёнинг энг йирик банкларидагина амалга ошириладиган банк операцияларининг Республикамиз тижорат банклари томонидан амалга оширилаётганлиги натижасидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторини янгидан-янги техника-технологиялар билан таъминлашда лизингнинг ўрни бекиёсдир. Республикамиз тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ва жадал ривожланаётган лизинг хизмати ана шундай банк хизматларидан биридир. Лизинг муомалалари натижасидан уч томон яъни, лизинг берувчи (банк), лизинг олувчи ҳамда лизинг объектини сотувчи манфаатдордир. Ҳар қандай корхона, айниқса кичик корхоналар бирваракайига юқори қувват ва самарадорликка эга, маҳсулот таннархини камайтиришга олиб келадиган технологияни сотиб олишга маблағ йўналтира олмайди, табиийки инновацион технологияларни ишлаб чиқараётган компаниялар олдида эса ўзи ишлаб чиқараётган бир мунча қиммат шу билан бирга юқори қувватли ва сифатли технологияларни сотиш масаласи туради. Бу муаммонинг ечими сифатида тижорат банклари лизинг хизматларининг нақадар аҳамиятлилигини яққол кўриш мумкин ва тижорат банки ҳам бу хизмат туридан манфаатдор.

Республикамизда олиб борилаётган банк ислохотлари заминида, хўжалик юритувчи субъектларга, қолаверса аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари

сонини кўпайтириш ҳамда мавжудларини сифатини ошириш ётади. Бу борада ҳукуматимиз томонидан иқтисодийни барча тармоқларини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилиб, солиқ ва бошқа турли кўринишдаги имтиёзларни яратиб берилмоқда. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2002 йил 28 августда «Лизинг тизимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3122-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон асосан лизинг тўловларидаги солиқ юқини қисқартиришга қаратилган бўлиб, жумладан лизинг тўловларини қўшилган қиймат солиғидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига лизингга бериш мақсадида олиб келинаётган техника ва ускуналарни вакил банкнинг тегишли тасдиғи бўлган ҳолда қўшилган қиймат солиғидан ва божхона тўловларидан, лизинг олувчининг лизинг объекти бўйича мулк солиғидан озод қилиниши белгилаб берилди. Булардан ташқари, лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар учун лизинг бўйича фойиз тўловлари ва бошқа тўловлар хўжалик юритувчи субъектнинг жами даромадидан чегириб ташланиши ҳам фармонда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги ПҚ-1166 – сонли қарорига мувофиқ тижорат банклари, лизинг хизмати кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг муомалаларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилиши кўрсатилган. Бундан ташқари, 2015 йилнинг 1 январигача тижорат банклари кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестицион молиялаштиришнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғи тўлайдилар. Республикамиздаги хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари юқоридаги таклифга асосан дастур ишлаб чиқиб, уни амалиётга тадбиқ қилди. Ушбу дастурнинг самарасини Республикамизда сервис соҳаси кескин ўсганлигида кўриш мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда танланган мавзу бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Ишнинг асосий мақсади лизингнинг моҳияти ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларида лизинг муомалалари ҳисобини ташкил қилиш ҳамда уни аудитини ўтказиш услубиётини, жумладан, режалаштириш, ўтказиш ҳамда аудит натижаларини умумлаштириш жараёнини соддалаштириш ҳамда улар юзасидан таклиф ва хулосалар беришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- Тижорат банкларда лизингни ҳисобга олишнинг зарурияти, роли ва аҳамиятини ўрганиш;
- Лизингни таснифи ва унинг моҳиятини ўрганиш;
- Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби ва аудитининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- Тижорат банкларида лизинг операцияларини ҳужжатлаштириш тартиби билан танишиш;
- Тижорат банкларида лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобини ўрганиш;
- Тижорат банкларида лизинг тўловлари графигини ишлаб чиқиш ҳамда лизинг тўловларини ундириш тартибини ўрганиш;
- Тижорат банкларида лизинг операциялари аудитини режалаштириш билан танишиш;
- Тижорат банкларида лизинг операциялари аудитини ўтказиш тартиби билан танишиш;
- Тижорат банкларида лизинг операциялари аудити натижаларини умумлаштириш тартиби билан танишиш;

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Ишни тайёрлаш жараёнида Қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Молия вазирлигининг ва Марказий банкнинг

Низомлари, Йўриқномаларидан ҳамда интернет маълумотларидан фойдаланилди. Аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартлари, шунингдек, Президентимиз И.А.Каримовнинг фундаментал асарлари, юртимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларининг соҳага оид илмий ишларидан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб, Республикадаги йирик банклардан бири ҳамда ўз хизматлари тури ва сифатини тинимсиз ошириб бораётган ДТ “Халқ банки” Норин тумани филиали ҳисобланади. Битирув малакавий ишини амалий жиҳатдан ёритишда бевосита ушбу банк маълумотларидан фойдаланамиз.

Малакавий битирув ишининг маълумотлар манбаи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, даврий нашрларда чоп этилган мақолалар ҳамда ДТ “Халқ банк” Норин туман филиалининг ички ҳужжатлари, кредит сиёсати ва айрим бошланғич ҳисоб маълумотлари хизмат қилди.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, учта асосий боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг мақсад ва вазифалари, ишнинг назарий ва услубий асослари, битирув малакавий иши объекти ҳамда ишнинг таркиби ва тузилиши ёритилган.

Биринчи бобда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида лизинг фаолиятини амалга ошириш ва ҳисобга олишнинг зарурияти, роли ва аҳамияти, уни ҳуқуқий асослари ҳамда лизинг муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг услубий асослари ўрганилган.

Иккинчи бобда ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг муомалаларини ҳужжатлаштириш, тижорат банкларида лизинг тўловлари графигини ишлаб чиқиш ҳамда лизинг тўловларини ундириш тартиби ҳамда

лизинг муомалаларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш амалиёти кўрсатиб ўтилган.

Учинчи бобда ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг муомалалари аудитини ўтказишнинг мақсад ва вазифалари, режалаштириш, аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳамда аудиторлик текширувлари натижаларини умумлаштириш тартиби кўрсатиб берилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида эса тадқиқот натижалари асосида тижорат банкларига лизинг муомалалари ҳисоби ва аудити юзасидан қилинган хулоса ва таклифлар ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш йўллари баён этилган.

1-боб. Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби ва аудитининг назарий-услубий асослари

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида лизингнинг моҳияти, аҳамияти ва уни таснифланиши

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизациялашнинг асосий шартларидан бири корхона ва ташкилотларни янги техника ва технологиялар билан таъминлашга қаратилгани ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, мустақиллигимизни илк йилларида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида нарх ва сифат жиҳатидан рақобатлаша олмас эди. Буни асосий сабабларидан бири сифатида собиқ иттифоқ давридан қолган мавжуд техника ва технологиялардан фойдаланиш деб кўрсатишимиз мумкин. Юқоридагиларни инобатга олиб ҳукуматимиз томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида импорт товарларга бир қатор чекловлар қўллаб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни маълум вақтга ҳимоя қилинди ва шу даврда маҳаллий корхоналарда модернизациялаш жараёни амалга оширилди.

Корхона ва ташкилотларга замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, биринчи навбатда корхоналар иқтисодиётини, қолаверса, мамлакат иқтисодиётни барқарорлашига амалий ёрдам кўрсатади. Бу тадбирларнинг самарасини авваламбор, маҳсулот сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини ошириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни экспортга йўналтирилаётганида кўришимиз мумкин.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусияти иқтисодий ресурсларни чекланганлиги билан характерланади. Бозор иқтисодиёти шароитида чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда чекланган иқтисодий ресурсдан унумли фойдаланиб, арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган корхонагина узоқ муддат фаолият юритиши мумкин. Бунинг учун

корхонани малакали мутахассис ва заманавий техника ва технологиялар билан таъминлаш талаб этилади.

Корхоналарни янги техника ва технологиялар билан таъминлашни бир нечта усуллари мавжуд бўлиб, улардан энг қулай ва замонвий усули лизинг амалиётидир. Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолиятини молиялашнинг янги усулини кенг қўллаш учун, шунингдек, чет эл лизинг тажрибасидан тўғри фойдаланиш мақсадида, бизнинг назаримизда лизингнинг иқтисодий табиати ва моҳиятини чуқур англаш лозим. Лизинг моҳиятини тўғри тушуниш, унинг табиатини атрофлича ўрганиш, замонвий бозор иқтисодиётида барча функцияларини бажариш миллий иқтисодиётда уни кенг тадбиқ этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шароитларни яратиш имконини беради.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун ҳукуратимиз томонидан етарлича эътибор қаратилиб, соҳага тегишли бир қатор меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ этилмоқда. Жумладан лизинг амалиётини ҳуқуқий базасини яратиш мақсадида “Лизинг тўғрисида”ги Қонун, 6-сонли “Ижара ҳисоби” номли БҲМС ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

6-сонли «Ижара ҳисоби» номли БҲМС нуқтаи назаридан ижара қуйидагиларга бўлинади:

- а) лизинг (молиявий ижара);
- б) узоқ муддатли ижара;
- в) қисқа муддатли ижара.

Лизинг тўғрисидаги қонун ҳамда 6-сонли БҲМСда молиявий ижарада уч тараф иштирок этиши, шартнома муддатини бир йилдан ортиқ бўлиши кўрсатиб берилган. Ушбу қонунда таъкидланишича “лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизингга олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу

шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизингга олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради”¹.

Миллий стандартда узоқ муддатли ижара шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга икки хўжалик юритувчи субъект ўртасида тузилиши кўрсатиб берилган, яъни, узоқ муддатли ижара ижарага берувчи ижарачига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кўп муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув деб белгилаб берилган. Ушбу талабга жавоб бермайдиган ҳар қандай ижара қисқа муддатли ижара деб таснифланган.

Қисқа муддатли ижара ижарага берувчи ижарачига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кам муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув. Қисқа муддатли ижарада, ижара объектига эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликлар ижарачига ўтмайди ва шунинг учун қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган ижара объектлари ижарачининг балансида ҳисобга олинмаслиги белгилаб берилган.

Бизнинг назаримизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш воситаси бўлмиш лизинг рақобат натижасида пайдо бўлган. Тадбиркорлик фаолияти учун инвестиция ресурсларини қидириб топиш ёки мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олишнинг бошқа усулларига нисбатан лизингнинг у ёки бу афзалликлари турли ҳуқуқий ва иқтисодий маконларда турлича намоён бўлади. Яъни лизинг мол-мулкдан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш имкониятини олиш воситаси сифатида лизингдан кўриладиган манфаатлар ёки зарарлар, унинг афзалликлари ёки камчиликлари иқтисодий, шу жумладан, ҳуқуқий, молия-кредит муносабатларининг даражаси билан белгиланади.

Лизингнинг моҳиятини республикамиздаги ва чет эл иқтисодчи олимлари томонидан турлича талқин этишган бўлиб, айрим мутахассислар лизинг – асосий фондларга капитал қўйилмаларни ихтисослашган лизинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон

компаниялар воситачилигида молиялашнинг ўзига хос шакли, улар учинчи шахс учун муайян товарга эгалик ҳуқуқини сотиб олади ва унга қисқа, ўрта ва узоқ муддатга ижарага беради.² Ушбу таъриф бироз ўзини оқламайди. Чунки миллий қонунчилигимиз ва стандартларга кўра лизинг деганда фақат узоқ муддатга ижарага бериш тушинилади.

Бошқа манбаларда, лизинг вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағни инвестициялашга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида туридан иборат деб таърифланади, бунда молиявий ижара шартномаси (лизинг) бўйича битта шахс битимда келишилган мулкни маълум сотувчидан хусусий мулк қилиб олиш мажбуриятини олади ва тадбиркорлик мақсадида вақтинча фойдаланиш учун бу мулкни бошқа шахсга бериб туради.³

Адабиётларда айрим муаллифлар лизингни узоқ муддатли ижара деб билиб, ижарачининг ижарага олинган мол-мулкни опцион бўйича сотиб олиш мумкинлиги каби ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини таъкидлайдилар. Сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ёки бермайдиган, мол-мулкни ижарачи ихтиёрига топшириш ҳуқуқини берадиган кредитлаш шакли деб ҳисоблайдиган таърифлар ҳам учрайди.⁴ Лекин 6-сонли «Ижара ҳисоби» номли БҲМСга биноан ушбу талқин ўзини оқламайди. Чунки миллий стандартларда лизинг муносабатларида уч томоннинг иштирок этиши муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида лизинг ва узоқ муддатли ижара ўртасидаги фарқ аниқ ажратиб берилган. Лекин айрим иқтисодчи олимлар лизинг ва ижара тушунчалари ўртасига тенглик белгиси қўяди ва лизинг ер участкаси, бино, иншоот, асбоб-ускунадан, одатда, рента шаклидаги тўлов эвазига фойдаланиш ёки уларни қарзга олиш ҳуқуқини бериш тарзидаги “шакл” деб таърифлайди.⁵

² И.А.Бланк. Инвестицион менеджмент. Киев. “ИТЕМ” ЛТД. 1995. 408-б.

³ Бозор, пул ва кредит. 2003-йил. 7-сон.

⁴ Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Москва. “Ось”, 1996, 128-б.

⁵ Розенберг Ж.М. Инвестиции: Терминологический словарь. Москва: ИНФРА. 1997. 400-б.

Бизнингча лизинг ижарани молиялаштириш бўлиб, банк ёки лизинг компанияси лизинг берувчи сотувчи, яъни ускуна ёки машиналарни ишлаб чиқарувчидан сотиб олиб, уларни ўз мижозларига ижарага беради. Ушбу таъриф 6-сонли «Ижара ҳисоби» номли БҲМСда берилган таърифга тўлиқ мос келади деб ҳисоблаймиз.

1.2 Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисобини ташкил қилиш хусусиятлари.

Тижорат банкларида лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг "Банklar ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги, "Микромолиялаш тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунларига ҳамда "Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан олиб борилади. Ушбу низомга асосан тижорат банклари ўзининг ички тартиб қоидаларини ишлаб чиқади ва банк бошқаруви томонидан тасдиқланади.

Тижорат банкларида лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда лизинг объекти, субъекти, лизинг тўлови, лизинг шартномаси ва шунга ўхшаш бир қатор лизинг атамаларидан фойдаланилади. Шунинг учун ушбу атамаларга тўхталиб ўтишни лозим деб топдик. "Лизинг тўғрисида"ги Қонунда лизинг (молиявий ижара) - бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олишни ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беришни назарда тутадиган ижара муносабатларининг алоҳида тури деб таъкидланган.

Ҳозирги кунда кичик корхоналарни янги техника ва технологиялар билан таъминлашда микролизингдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ микролизинг - тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада бериладиган лизинг деб белгилаб берилган. Бу эса лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишда бир қатор қулайликлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ айрим мулкларни лизингга бериш қатъий таъқиқланади. Шунингдек олиб лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларида лизинг объектлари этиб ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклардан ташқари тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкӣ комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулклар белгилаб берилган.

Бизга маълумки, лизинг субъектлари лизинг берувчи, лизинг олувчи ҳамда сотувчи ҳисобланади. Лизинг берувчи лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи банк ёки лизинг компаниялари бўлиши мумкин. Лизинг олувчи лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олаётган шахс ҳисобланади.

Банклар фақат лизинг шартномаси муддати тугаганидан кейин лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтишини кўзда тутувчи лизинг операцияларини амалга ошириши мумкин.

Бунда лизинг олувчи лизинг берувчи банкка лизинг объектини сотиб олиш, уни етказиб бериш, ишга тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ барча харажатларини ва келишилган фоизлар тўловини амалга ошириши лозим.

Лизинг берувчи банк лизинг объектини сотувчидан келгусида унинг ўзига лизинг асосида фойдаланиш учун бериш мақсадида сотиб олган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади.

Лизинг операциялари молиявий барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга тўловлилик, таъминланганлик, банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга инвестиция қилинган кредит маблағларини қайтаришлик ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Лизинг операцияси лизинг объекти лизинг олувчи томонидан бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган ҳолларда кўрсатилади.

Банклар қонун ҳужжатларига асосан лизинг хизматлари кўрсатишнинг ички тартибини ишлаб чиқишлари лозим. Ушбу тартиб банкларда лизинг операциялари ҳисобини ташкил этиш, лизинг шартномасининг мазмуни ва уни тузиш тартибини белгилаб беради. Мазкур ички тартибларда қонун ҳужжатлари ва Марказий банк йўриқномаларига зид меъёрларни ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

Лизинг фоиз ставкалари миқдори лизинг олувчи ва лизинг берувчи банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра лизинг шартномасида белгиланади.

Лизинг олувчининг аризаси лизинг берувчи банк томонидан лизинг операциясини амалга ошириш ёки оширмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш муддати ариза банкка келиб тушган кундан бошлаб 30 иш кунидан, микролизинг операциясини амалга ошириш бўйича эса 10 иш кунидан ошмаслиги лозим. Лизинг операциясини амалга ошириш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, лизинг берувчи банк лизинг олувчига бу ҳақда рад этиш сабабини асослаган ҳолда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Лизинг операциясини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда лизинг олувчига билдирилади ҳамда лизинг берувчи банк ва лизинг олувчи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг шартномаси тузилади.

Лизинг шартномаси тузилганидан сўнг лизинг берувчи банк ва сотувчи ўртасида лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади. Бунда лизинг берувчи банк сотувчига мол-мулк муайян лизинг олувчига бериш учун сотиб олинаётганлигини билдириши шарт.

Лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланиб, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи лизинг олувчига ўтганидан сўнг лизинг операцияси амалга оширилган ҳисобланади.

Лизинг берувчи банкларда лизингга берилган активлар ҳисоби 15600 - "Лизинг (молиявий ижара)" ҳисобварақларида юритилади.

Дастлабки тан олиш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг берувчи банк лизингга берилган лизинг объектини ўз балансида соф инвестицияси қиймати, яъни лизинг объектини сотиб олиш, уни лизинг олувчига етказиб бериш ва фойдаланишга шай ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси ёки унинг ҳаққоний қийматида, уларнинг қайси бири кичик бўлса, ўша суммада актив сифатида тан олади.

Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб бериб, лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, лизинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалларини бажаради.

а) Лизинг объекти учун сотувчига пул ўтказиб берилганда:

Дт 19909 Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварақи;

б) Лизинг объекти лизинг олувчига топширилганда:

Дт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ);

Кт 19909 Товар моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар.

Лизинг объекти аввал лизинг берувчи банк балансига кириб қилиниб, сўнгра лизинг олувчига лизингга берилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

а) Лизинг объекти банкнинг балансига қабул қилинганда:

Дт 16500 Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварағи);

Кт 19909 Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;

б) Лизинг объекти лизинг олувчига топширилганда:

Дт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварағи);

Кт 16500 Асосий воситалар (мос ҳисобварақ).

Лизинг берувчи банк томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчи томонидан қопланадиган дастлабки бевосита харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

Лизинг шартномасига мувофиқ юкоридаги харажатлар лизинг олувчи томонидан қопланмаган тақдирда, мазкур харажатлар юзага келган пайтдаги тегишли ҳисобот даври харажатлари сифатида тан олинади.

Лизинг берувчи банк томонидан лизинг объекти дастлабки тан олинганидан сўнг, кейинги ҳисоб лизинг олувчи томонидан тўланадиган лизинг бўйича асосий карз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва у бўйича фоизларнинг ҳисобини юритишдан иборат.

Минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблашда дисконтлайдиган омил бўлиб, агар уни аниқлашнинг имконияти бўлса, лизинг шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ҳисобланади, акс ҳолларда, карз сармояси бўйича ўсиб боровчи фоиз ставкасидан фойдаланилади.

Лизинг тўловлари жадвалида лизинг берувчининг даромади лизинг шартномаси муддати давомида мунтазам равишда даврлар бўйича тенг тақсимланиши акс эттирилиши лозим. Бунда, лизинг шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар колдиғига доимий фоиз ставкаси қўлланилади.

Лизинг берувчи банкнинг даромади лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг амалга оширилишидан катъий назар, тегишли ҳисобот даврларида лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ ҳисобланади.

Лизинг берувчи банк томонидан лизинг бўйича фоизли даромадлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт 16323 Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар;

Кт 45100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар (тегишли мос ҳисобварақ).

Лизинг тўловлари келиб тушган ҳолларда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов хужжатлари ёки миқдорнинг депозит ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи (умумий суммага);

Кт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ) (асосий қарз суммасининг қайтарилган суммасига);

Кт 16323 Лизинг (молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар (фоизли даромад суммасига).

Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг тўловларини тўлаш шартлари тўлиқ бажарилган тақдирда 15600 Лизинг (молиявий ижара) ва 16323 Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар ҳисобварақлари қолдиғи нолга тенг бўлади.

Лизинг оловчи томонидан лизинг объекти лизинг шартномаси муддати тугамасидан олдин сотиб олинган ҳолларда ҳам ушбу ҳисобварақлардаги қолдиқ нолга тенг бўлади.

Лизинг объекти лизинг оловчи томонидан лизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг берувчи ушбу активнинг тақдирини ҳал этгунга қадар уни ўз балансига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қилади:

Дт 16705 Банкнинг бошқа қўчмас мулклари;

Кт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (мос ҳисобварақ).

Лизинг оловчи томонидан лизинг тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда активга "Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида"ги низомга асосан ўстирмаслик мақоми берилади ва активнинг келгуси ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади. Шундай қилиб, лизинг операциялари ҳисобини юритиш ўз навбатида лизинг операцияларининг ташкил қилишнинг ҳуқуқий асосларини чуқур ва атрофлича кўриб чиқишни тақозо қилади.

1.3 Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этиш бўйича бир қатор ислохотларни олиб боришни талаб этмоқда. Ушбу талабларни бажариш учун бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш ҳамда аудиторлик текширувларини ўтказишга асос бўлиб хизмат қилувчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни қабул қилинишини тақозо қилмоқда. Жумладан, тижорат банкларида ҳам янгидан-янги ҳисоб объектларини вужудга келиши соҳага оид қонун, низом ва ички тартибларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Бугунги кунга келиб тижорат банкларида ҳисоб ва аудитини ташкил этиш ҳамда аудиторлик текширувларини тартибга солиш борсида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли низомлари ҳамда йўриқномалари тасдиқланган.

Жаҳон тажрибасини инобатга олиб лизинг муносабатлари хусусиятлари, уларни мазмунидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида лизинг объектлари сифатида амалиётга тадбиқ этилиши мумкин бўлган лизинг мулклари таркиби баён этилади ҳамда лизинг муносабатлари субъектлари тавсифланади. Ушбу қонунчиликка асосан лизинг шартномаларини асосли равишда тузиш, лизинг тўловларини мақул равишда ҳисоблаш ва тўловларни амалга ошириш усуллари, лизинг шартномасини бекор қилиш, лизинг мулкани қайтариб олиш тартиблари батафсил ёритилади. Ишлаб чиқарувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчида лизинг мулкани бухгалтерия ҳисобини юритиш масалалари ёритилади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда лизинг муносабатларини ривожланишидан келиб чиқиб лизинг қонунчилигига бир қатор ўзгартиришлар ва уни такомиллаштириш бўйича ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Бу эса лизинг ҳисоби ва аудитини ташкил этиш бўйича бир қатор қулайликлар

яратиб берди.

Ўзбекистон Республикасининг лизинг қонунчилигида лизингни ривожлантириш ва кенгайтириш масалаларига, лизингни янада кенгайтириш, уни оммавий равишда қўллаш ҳамда лизингга бериладиган имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилади. Кичик бизнес ва тадбиркорлар фаолиятини молиялаштиришда лизингнинг қўл келиши асосланади. Лизинг муносабатларини жорий этишда амалиётда келиб чиқиши мумкин бўлган саволларга жавоблар берилади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишнинг устувор йўналишларидан бири бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдан иборат деб белгиланган. Бу эса ўз навбатида бозор иқтисодиёти кўп бўғинли инфратузилмани яратишни талаб этади. Шу сабабли, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз раҳбари И. Каримов ўз чиқишларида бозор муносабатларининг асосини ташкил этадиган кичик ва ўрта бизнес ривожланишига мутаносиб равишда боғлиқ бўлган бозор инфратузулмасини: суғурта, аудиторлик, консалтинг ташкилотлари қаторида, лизинг компанияларини тузиш зарурлигини эътироф этиш билан бирга, ушбу инфратузилмаларга эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмаслигини алоҳида қайд этган. Лизинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатимиз учун нисбатан янги молиявий дастакни ўзида мужассам этади.

Лизинг ҳисобини тартибга солувчи асосий қонунчиликка оид меъёрий ҳужжатларни маълум бир тартибга асосан бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчи даражали қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, “Лизинг тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларини киритишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги Қонунида лизингнинг моҳияти ва объекти ҳамда субъектлари аниқ ажратиб берилган. Солиқ Кодексида хўжалик юритувчи субъектларни тадбиркорликнинг янги шакли бўлган лизинг билан шуғулланишлари ва бу борада давлат олдидаги юзага келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Банклар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик ҳисобини юритиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонуннинг 5-моддасига биноан банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тартибга солиш Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади деб таъкидлаб ўтилган.

Аудиторлик текширувларини ўтказишнинг шартлари, хусусан аудиторларнинг ҳамда мижозларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тартибга солинади.

Иккинчи даражали меъёрий ҳужжатлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини янада қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3122-сонли Фармони ҳамда 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166 сонли Қарори ҳисобланади. Ушбу Фармонга асосан лизинг тўловларидаги солиқ юкини қисқартиришга қаратилган бўлиб, жумладан, лизинг тўловларини қўшилган қиймат солиғидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига лизингга бериш мақсадида олиб келинаётган техника ва ускуналарни вакил банкнинг тегишли тасдиғи бўлган ҳолда қўшилган қиймат солиғидан ва божхона тўловидан, лизинг олувчиларни лизинг объекти бўйича мулк солиғидан озод қилиниши белгилаб берилган. «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар улушини

кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ эса тижорат банклари, лизинг хизмати кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг муомалаларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилиши кўрсатилган.

Учинчи даражадаги меъёрий ҳужжатларга –Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида лизинг муомалаларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низоми, “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги Низом, 2008 йил 3 майда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” киради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида лизинг муомалаларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомида тижорат банклари томонидан лизинг муомалаларини амалга ошириш меъёрий асослари, лизинг шартномаларини тузиш шартлари, шунингдек лизинг субъектлари бўлмиш лизинг олувчи, лизинг объектини сотувчи ҳамда лизинг берувчи (банк) нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари келтириб ўтилган.

Лизинг муомаласини амалга ошириш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, лизинг берувчи банк лизинг олувчига бу ҳақда рад этиш сабабини асослаган ҳолда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги Низом эса банкларда амалга ошириладиган аудиторлик текширувларини тартибга солади. Ушбу Низомда банкларда аудиторлик текширувларини

амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари ҳамда аудиторларга қўйилган талаблар, ушбу талабларни амалга ошириш жараёнлари ва банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби белгилаб берилган.

Яна бу гуруҳдаги меъёрий ҳуқуқий асосларга Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат бўйича ишлаб чиқилган, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича услубий кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 199-сонли Қарори ҳамда даставвал 1995 йилда, кейинчалик 1999 йилда «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомни келтириш мумкун. Низомни қабул қилиниши, мамлакатимиз бухгалтерия ҳисобида тубдан ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Ушбу Низом харажатларнинг моҳияти, корхонанинг ҳисобот давридаги фойдаси билан боғлиқлигидан келиб чиқиб тақсимлашни белгилаб берди.

Тўртинчи даражали меъёрий ҳужжатларга— вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари ва ҳисоб сиёсатини белгилаш ва ҳужжатлар айланмасини ташкил этиш бўйича банкларда ишлаб чиқилган ички банк ҳужжатларини киритамиз. Жумладан буларга ДТ “Халқ банки”нинг “Кредит сиёсати” ҳамда мазкур банк томонидан биз юқорида санаб ўтган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган “Лизинг амалиётларини ўтказиш бўйича ички тартиб”ни келтиришимиз мумкин. ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалиининг “Кредит сиёсати”да ҳамда “Лизинг амалиётларини ўтказиш бўйича ички тартиб”да банк томонидан амалга ошириладиган лизинг хизматларининг шартлари ва тартиби мукаммал ишлаб чиқилган. Ушбу тартибга мувофиқ лизинг хизматлари юридик шахс мақомига эга бўлган молиявий барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга тўловлилик, таъминланганлик, банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга инвестиция қилинган маблағларни қайтаришлилик, муддатлилик ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлик таъминланиши асосида амалга оширилади.

Маълумки, тижорат банклари раҳбарлари ва бухгалтерлари лизинг фаолиятини ташкил қилиш ва тартибга солишдан ташқари, асосий воситаларни лизинг шартномаси бўйича сотиб олиш ва лизингга фойдаланиш ва эгалик қилиш учун юридик шахсларга беришда шартномаларни қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тузиш юзасидан ва битимларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва молиявий ҳисоботда ишончли акс эттириш масаласига жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида лизинг муомалаларлари ва шартномаларининг бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботида акс эттирилишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва ишлаб чиқиш давом эттирилмоқда.

Лизинг ҳисобини ташкил қилишга бағишланган ҳужжатлар тўплами дастлаб Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 майдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида лизинг муомалаларини акс эттириш тартиби”нинг (ҳозирги вақтда ўз кучини йўқотган) қабул қилиниши билан бошланган эди. Лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш бухгалтерия ҳисобининг 17-сон «Ижара» Халқаро стандарти қоидаларига асосланган, Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 16 октябрда 503-сон билан рўйхатга олинган бухгалтерия ҳисобининг «Лизинг ҳисоби» миллий стандарти (6-сон БХМС) (ўз кучини йўқотган), 1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунини (ЎЗР 28.12.2007 йил -138-сон Қонуни билан ўзгартириш киритилган) ишлаб чиқиш ва қабул қилиши билан амалга оширилди. Ушбу ҳужжат билан лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ягона методологик асоси белгилаб берилган эди. Ҳозирги кунда ушбу санаб ўтилганларнинг айримлари ўз кучини йўқотган ҳамда айримларига эса тегишлича ўзгартишлар киритилган. Булардан кўринадики мамлакатимизда лизинг амалиёти тўхтовсиз ривожланиб такомиллашиб бормоқда.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб фикримизни

умумлаштирадиган бўлсак, ҳозирги кунда мамлакатимизда тижорат банкларидада лизинг ҳисобини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар етарли даражада ишлаб чиқилган. Бу эса тижорат банклари фаолиятида лизинг ҳисобини тўғри юритиш ва улар бўйича ҳисоблашишларни оқилона амалга ошириш учун асос бўла олади.

2-боб ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш хусусиятлари.

2.1 Лизинг операцияларини дастлабки ҳужжатлаштириш тартиби.

Бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш уни дастлабки ҳужжатлаштиришга бевосита боғлиқ бўлиб, ўз вақтида хўжалик жараёнларини ҳужжатлаштириш бухгалтерия ахборотини ишончлилиги оширади. Буни натижасида бухгалтерия ҳисобидан ўз вақтида ахблотларни олиш имконини яратиб беради. Амалиёт объекти ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида ҳам бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда хўжалик жараёнларини ҳужжатлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уни ўз вақтида ҳужжатлаштиришга муҳим аҳамият берилади. Хар бир объект бўйича ҳужжатлар йиғма жилди шакллантирилади.

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг муомалаларини ҳужжатлаштиришда соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар, Марказий банкнинг тегишли йўриқномалари ва банкнинг “Лизинг амалиётларини ўтказиш бўйича ички тартиб” талабларидан келиб чиқиб расмийлаштирилади. Ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби банкнинг кредит сиёсатида белгилаб берилади. Кредит сиёсати банкнинг ижрочи бухгалтерларига лизинг операциялари ҳисобини юритиш ва уни тўғри ҳужжатлаштиришда амалий ёрдам кўрсатади.

Тижорат банкларида лизинг операцияларини ҳужжатлаштиришда талаб қилинадиган ҳужжатлар йиғма жилдини шакллантириш ижрочи бухгалтерларга юклатилади. Жумладан, ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг муомалаларини дастлабки ҳужжатлар йиғма жилдини шакллантириш банкнинг мижозлар билан ишловчи ижрочи бухгалтерига юклатилган бўлиб, у мижоздан лизинг муомалаларини расмийлаштириш ва лойиҳани тўлиқ ўрганиш ва уни таҳлил қилиш учун керакли ҳужжатларни шакллантиришда амалий ёрдам кўрсатади. Ушбу тайёрланган ҳужжатлар йиғма жилди кредит амалиётига хулоса бериш учун тақдим этилади. Кредит

амалиёти раҳбари ҳужжатлар йиғма жилдини ўз мутахассисларига виза тортиб, белгиланган муддатда тўлиқ ўрганиш ва хулоса беришга тақдим этади.

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг объекти учун тайёрланган ҳужжатлар йиғма жилдида қуйидаги ҳужжатлар тўплами бўлиши талаб этилади:

- лизинг олувчининг буюртмаси(лизинг бюртманомаси);
- лизинг олувчининг таъсис ҳужжатлари;
- лизинг шартномаси;
- лизинг олувчининг охириги уч йиллик ва охириги чорак учун молиявий (5 та шакл) ҳисоботлари;
- 90 кундан ортиқ муддати ўтган дебиторалик қарздораликларнинг солиштирма далолатномалари.
- лизинг олувчининг лизинг бўйича бизнес-режаси;
- лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг бизнес-режаси самарадорлиги тўғрисида лизинг берувчи банкнинг хулосаси;
- суғурта компаниясининг лизинг объектини суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;
- лизинг объектини етказиб берилиши тўғрисидаги буюртмаси;
- лизинг объектининг олди-сотди шартномаси;
- лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;
- лизинг объектига сотувчи томонидан берилган техник кафолат;
- юрист хулосаси (лизинг шартнома суммаси энг кам иш ҳақининг 200 (икки юз) баробаридан кўп бўлса);
- лизинг операцияси ҳамда таъминоти ҳарактеридан келиб чиққан ҳолда олинган бошқа ҳужжатлар.

Лизинг берувчи банк лизинг бериш юзасидан қарор қабул қилиш учун лизинг олувчидан унинг лизинг тўловларини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш учун зарур бўлган ҳамда банк кредит сиёсатида

талаб қилиниши белгиланган бошқа ҳужжатлар-зарур бўлган ҳолларда сураб олишлари мумкин.

Лизинг олувчи лизинг объектини лизингга олиш учун тижарат банкига ариза тақдим қилади. Ариза билан бирга юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрларди. Лизинг олувчи томонидан барча ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг филиал бошқарувчиси лизинг олувчининг лизинг аризасига виза тортиб фронт офис бошлиғига лизинг лойиҳасини тахлил қилиб кредит комиссиясига хулоса бериш учун топшириқ беради. Лизинг олувчининг аризаси бўйича лизинг берувчи банк томонидан лизинг муомаласини амалга ошириш ёки оширмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш муддати ариза банкка келиб тушган кундан бошлаб 30 банк иш кунидан, микролизинг муомаласини амалга ошириш бўйича эса 10 иш кунидан ошмаслиги лозим. Тақдим этилган ҳужжатларга асосан фронт офис менежери лизинг олувчининг лизинг олишга қобилиятлилигини баҳолайди, лойиҳанинг самарадорлилигини ва лизингга мулк сотиб олишнинг мақсадлилигини ўрганиб чиқади, қуйидагилар бўйича тахлил ўтказади:

- буюртмада баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид эмаслиги;
- лизинг объектидан фойдаланишнинг самарадорлилиги;
- лизинг олувчининг ҳисоб рақамига пул маблағлари тушумининг давомийлиги;
- ўтган давр (йиллик, чораклик, ойлик) учун молиявий-хўжалик фаолияти;
- лизинг олувчининг лизинг тўловлари ва фоизларини қайтара олиш қобилияти;
- лойиҳанинг ўз-ўзини оқлаши;
- лизинг объектининг бозордаги харидорлилиги;
- лизингга тақдим этилган маълумот турини маркетинг асосида лойиҳани бозор талабини ўрганиб чиқиш, лойиҳа асосида маҳсулот (хизматларни) сотилиши, шу жумладан рақобатчиларнинг ҳолати;

- лизинг тўловларини тўлаш манбаи;
- лизинг тўловларининг оптимал қайтариш жадвали;
- лизинг олувчидан таъминотнинг талаб этиш зарурияти.

Лизинг олувчининг лизинг олишга қобилиятлилигини аниқлашда молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги кўрсаткичларни кўриб чиқилиши лозим: товар моддий захиралар ва дебитор-кредитор қарзларини айланувчанлиги ҳамда айланма маблағларнинг айланишини аниқлаш, баланс ликвидлигини аниқлаш, қоплаш коэффиценти, ликвидлилик коэффиценти ва ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик (мухторият коэффиценти), ўз айланма маблағларининг мавжудлиги, даромадлилигини балларга асосланган скоринг таҳлилинини ўтказиш орқали мижознинг ҳолатига умумий баҳо берилади. Лизинг олувчининг лизинг олишга қобилиятлилиги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга қобилиятлилигини ҳисоблаш тартибига асосан аниқланади. Фронт офис менеджери мижознинг Банк билан ўзаро алоқалари тарихини ҳамда лизинг олувчи ташкилотнинг раҳбари ва масъул ходимларининг шахсий сифатларини ўрганади.

Фронт офис бошқарувчиси лизинг олувчи ариза асосида тақдим этган молиявий ҳисоботлар ва бизнес режани таҳлил қилишда фақат лойиҳанинг турли жиҳатлари ва лизинг олувчига баҳо берибгина қолмай, лойиҳани амалга ошириш тармоғига ҳам баҳо беради.

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида молиявий ҳисоботларни хар томонлама ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра лизинг олувчидан лизинг объектининг турига қараб гаров, учинчи шахснинг кафиллиги, банк кафолати, қимматбаҳо металлар, депозит маблағлари кўринишидаги таъминот билан таъминлаш талаб этилади.

Кредит комиссияси қарорига асосан лизинг олувчи объекти тўловининг 3 ойлик тўлови миқдорида олдиндан лизинг берувчи банкда очилган депозит ҳисоб рақамига маблағ қўйиши талаб этилади ва лизинг объектини топшириш қабул қилиш далолатномаси амалга оширилгандан сўнг лизинг

асосий қарзини сўндиришга йўналтирилади.

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда фронт офис бошқарувчиси Банкнинг кредит сиёсати талабларига мувофиқ хулоса таёрлайди. Ушбу хулоса филиал кредит комиссиясида кўриб чиқилади. Кредит комиссияси кўриб чиқиб лойиҳани молиялаштириш тўғрисида қарор чиқаради ёки асосланган ҳолда рад этиш бўйича қарор чиқаради. Лизинг оловчи томонидан ёзилган ариза ва фронт офис бошқарувчисининг хулосасига асосан қабул қилинган Кредит комиссиясининг қарори тегишли тартибдаги баённома кўринишида расмийлаштирилади.

Банк филиаллари ўз лимитлари доирасидаги лизинг лойиҳаларини тасдиқлаш бўйича белгиланган тартибда мустақил равишда қарор қабул қиладилар. Лизинг миқдори белгиланган лимитдан юқори бўлса, тегишли тартибда тасдиқлаб бериш учун Бош банкка тақдим этилади.

Қандай қарор қабул қилинганидан (ижобий ёки рад этиш бўйича) қатъий назар 3 (уч) банк иш куни ичида Банк миждозга қарор натижаси бўйича ёзма равишда маълум қилади.

Лизинг лойиҳаси тасдиқлангандан сўнг лойиҳа бўйича ҳужжатлар тўплами тегишли шартномаларни (лизинг шартномаси, лизинг объекти олди-сотди шартномаси, мулк гарови шартномаси, лизинг объекти ва гаровдаги мулкни суғурталаш шартномалари ва ҳоказо) расмийлаштириш учун филиал фронт офис бўлимига қайтарилади. Бундан ташқари бек офис ходимлари ушбу лойиҳани тегишли тартибда ўз назорати остига олади.

Фронт офис бошқарувчиси томонидан миждозга уникал рақам очиш ва миждозни идентификация қилиш ва тегишли ҳисоб варақлар очиш учун “Маъмурият бўлими”га тегишли фармойиш берилади. Фармойишга фронт офис бошқарувчиси ва филиал бошқарувчисининг имзолари қўйилади. “Маъмурият бўлими” бошлиғи фармойишни олгач ҳисоб варақлар очиш учун маъсул бўлган ходимга фармойишни ижро қилиш учун рухсат имзосини қўяди. Ҳисоб варақлар очилгач фармойишни иккинчи қисмига очилган ҳисоб рақамларни ёзиб имзо қўйиб фронт офис бошқарувчисига қайтариб беради.

Ижобий қарор қабул қилингандан сўнг лизинг лойиҳаси бўйича назоратни ташкил этиш мақсадида лизинг олувчи учун кредит варақаси очилади.

Лизинг шартномаси имзолангандан сўнг лизинг берувчи банк ва сотувчи ўртасида лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади. Бунда лизинг берувчи банк сотувчига мол-мулк муайян лизинг олувчига бериш учун сотиб олинаётганлигини билдириши ва буни олди сотди шартномасида кайд этиши шарт.

Лизинг шартномасининг хар бир бети томонлар томонидан имзоланади.

Лизинг объекти учун тўлов Банк томонидан қонунчилик ҳужжатларига асосан лизинг олди-сотди шартномасида кўрсатилган шакл ва муддатларида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, олди-сотди шартномасида мулк аниқ лизинг олувчига лизингга бериш учун сотиб олинаётганлиги ва лизинг олувчининг номи ҳамда реквизи́тлари кўрсатиб ўтилиши лозим.

Лизинг объекти банк, лизинг олувчи ва сотувчилар томонидан тузиладиган уч томонлама “Қабул-қилиш топшириш далолатномаси”га асосан лизинг олувчининг манзилгоҳига етказиб берилади.

Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишлидир.

Лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қолган даврда оладиган даромади чегириб ташланган ҳолда тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача коида назарда тутилган бўлмаса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатга олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим, сўнгра лизинг олувчи ўз мол-мулкини ўз хохишига кўра тасарруф этиши мумкин.

Лизинг берувчининг банкка зарарни қоплаш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, шу жумладан унинг тасодифан йўқолиши ёки тасодифан бузилиши, шунингдек ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиши хавфлари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади. Хавфлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

Агар хавфлар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, хавфлар лизинг олувчига у лизинг объектини олган дақиқадан эътиборан ўтади.

Агар таклиф этилган лизинг объекти лизинг шартномасига мос келмаса ва бу лизинг олувчига лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқини берса, ана шундай номувофиқлик бартараф этилгунга қадар ёки лизинг олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча хавфлар лизинг берувчи банк зиммасида бўлади.

Лизинг берувчи ёки лизинг олувчи муаян сотувчини ёки лизинг объектини танлаш ҳуқуқига эга. Лизинг субъектлари томонидан лизинг берувчини ёки лизинг олувчини сотувчини ёки лизинг объектини танлашда ғайри қонуний тарзда мажбурлашга йул қуйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонунига асосан нобуд бўлиш, йўқолиш, ўғирлаш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилади. Бунда суғурта харажатлари лизинг тўловларига қўшилмайди. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади. Лекин, шунга қарамасдан банк таваккалчилигини камайтириш мақсадида лизинг объекти банк фойдасига суғурта қилиниши лозим. Лизинг шартномасида кўрсатилган банк

мажбуриятларининг кучга кириши шартларидан бири суғурта шартномасини тузиш ҳисобланади. Лизинг объектини қабул қилиш вақтида суғурта шартномаси суғурта бадалини тўлаш шarti билан тузилиши керак. Банкнинг талабларига мос тушмайдиган, суғурта шартномаси шартлари билан боғлиқ бўлган таваккалчиликни бартараф этиш мақсадида 3(уч) томонлама суғурта шартномасини тузиш зарур, бунда лизинг берувчи банк томонлардан бири бўлиб ҳисобланади, ёки лизинг олувчи ва суғурта компания ўртасида тузилган икки томонлама шартнома шартлари билан лизинг олувчидан банкнинг дастлабки розилигини талаб қилиб олиши керак.

Лизинг шартномасида лизинг шартномаси амал қилиши бошлангандан то тугагунга қадар лизинг объектининг қиймати бўйича вужудга келадиган ўзгаришларни инобатга олиш лизинг тўловлари суммасига тарафларнинг келишувига биноан тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шартлари кўзда тутилиши мумкин. Лизинг олувчилар лизинг объектини лизинг шартномаси муддати тугашидан олдин исталган вақтда лизинг объектининг қолдиқ қийматини ва ҳисобланган лизинг фоизи тўловини амалга оширган ҳолда лизинг объектини ўз мулкига олиши мумкин. Лизинг объекти қолдиқ қиймати ва ҳисобланган фоизлар тўлови тўлалигича амалга оширилган кундан бошлаб лизинг шартномаси шартлари тўла бажарилган ҳисобланади. Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган муддат давомида лизинг объектига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси бўйича ўзида пайдо бўлган ҳуқуқ, мажбурият ва бошқа манфаатларни учинчи шахсга ўтказиш (қўшимча лизинг)га фақат лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида рухсат этилади.

Лизинг берувчи лизинг олувчининг олдиндан розилигини олмай туриб, лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Лизинг олувчи лизинг объектини гаров сифатида ишлатишга ҳақли эмас.

Лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан пул суммасини талаб қилиб олиш ва лизинг объектини олиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

2.2 Лизинг тўловлари графигини ишлаб чиқиш ҳамда лизинг тўловларини ундириш тартиби

Мамлакатимизда лизинг муносабатларини ҳисобга олиш тартиби “Ижара ҳисоби” деб юритиладиган 6-сонли БХМСда белгилаб берилган. Унда лизинг объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ барча таваккалчиликлар лизингга олувчига ўтказилади, деб таъкидланган. Лизинг берувчи лизинг объектини ушбу стандартга асосан бухгалтерия ҳисобида актив сифатида лизинг муддати бошланишидаги лизинг объектининг жорий қиймати ёки минимал лизинг тўловларининг дисконтланган қийматини қайси бири кичик бўлса шу қиймат бўйича акс эттириши кўрсатилган.

Лизинг тўловлари лизинг объектини сотиб олиш учун қилинган барча харажатлар, жумладан сотиб олиш, келтириш, брокерлик хизмати ва бошқа харажатлар, шунингдек лизинг объектини яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари ҳамда банкнинг лизинг даромадларидан шаклланади.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида лизинг шартномаси расмийлаштирилиб, лизинг берувчи томонидан лизинг объектини сотиб олиш, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларга маблағ кўчиришдан олдин қилинган ҳар бир харажат суммага нисбатан филиал мутахассиси банк кредит сиёсатида асосан бир маротабалик комиссион тўлов ундиради. Бир маротабалик комиссион тўлов лизинг олувчининг 16413-«Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар» ҳисоб рақамида акс эттирилиб 45233-«Кредитлар бўйича воситачилик даромадлари» ҳисоб рақамига олиб борилади. Бухгалтерия ўтказмалари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Дебет - 16413 Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар

Кредит - 45233 Кредитлар бўйича воситачилик даромадлари

Лизинг тўловлари жадвали икки усулда яъни, асосий қарз (лизинг объекти қиймати ва қўшимча харажатлар) суммасини лизинг шартномаси муддатига тақсимлаб, ҳосил бўлган тенг миқдорларга фоиз ставкасини қўллаган ҳолда ҳамда дисконтлаш усули ёрдамида аниқланади.

Дисконтлаш - бу келгусида маълум бир вақтда олиниши кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлашдир. Дисконт ставкаси бўлиб турли вақт бирликларига тегишли бўлган пул суммаларининг бир вақтга келтирилиши учун фойдаланиладиган ставка ҳисобланади.

Энг кам лизинг тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоб-китоб қилиш чоғида дисконтланадиган омил бўлиб, агар уни аниқлаш имконияти мавжуд бўлса, лизинг шартномасида назарда тутилган фоиз ставкаси ҳисобланади. Акс ҳолда лизинг олувчининг қарз капиталига бўлган ўсиб боровчи фоиз ставкасидан фойдаланилади.

Ижара шартномасида назарда тутилган фоиз ставкаси - бу ижара муддатининг бошида энг кам ижара тўловлари ва кафолатланмаган қолдиқ қиймат суммасининг ижара объекти жорий қиймати билан дисконтланган қиймат тенглигини таъминлаб берадиган дисконт ставкасидир.

Қарз капиталига бўлган ўсиб боровчи фоиз ставкасини аниқлашда ижара олувчининг ижара шартномаси бўйича тўлашга тўғри келадиган фоиз ставкаси, агар бу кўрсаткични аниқлашнинг имкони бўлмаса, ижара олувчи мол-мулкни сотиб олиш учун зарур маблағларнинг молия институтларидан қарзга олиш давридаги фоиз ставкаси қабул қилиниши мумкин. Фоиз ставкасини аниқлаш имкони бўлмаса ижара муддати бошига бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан фойдаланилади.

Дисконтлаш ва дисконтланган қийматнинг моҳиятини ёритиш учун пулнинг вақтдаги қийматини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Муайян вақт оралиғида пуллар турли қийматга эга бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг вақтдаги қиймати инфляция ҳисобига ўзгариб туриши мумкин, яъни, бугунги бир сўм эртанги бир сўмдан юқори туради. Бу, агар бугун бир

сўм инвестиция қилсак, эртага бир сўмдан кўпроқ маблағ олишимиз мумкин дегани. Ҳозир мавжуд бўлган пул суммасининг бирор вақт яъни, одатда йил ёки ой ўтгандан кейинги келгуси қиймати унинг бугунги номинал қиймати билан фоизда ифодаланган унга қўшилган даромад йиғиндисига тенг бўлади. Ушбу қўшилган маблағ фоиз ставкасини белгилайди. Ва бу орқали оралик лизинг тўловлари ҳисобланади.

Оралик лизинг тўловлари – лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида лизинг шартномаси имзоланиб, лизинг берувчи томонидан лизинг объектини сотиб олиш учун сотувчига маблағ ўтказилган кундан лизинг объектини лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилгунга қадар лизинг шартномасида белгиланган ставкада ҳисоблаб бориладиган ва ҳар ойда лизинг олувчи томонидан тўлаб бориладиган комисион тўлов.

Лизинг фоиз ставкалари миқдори банк кредитлаш тартибида белгиланган тартибда белгиланади. Лизинг ставкаси кредит учун фоиз ставкаси ҳисобига ўхшаб аниқланади.

Асосий қарзни қайтариш жадвали билан лизинг объектига амортизация ҳисоблаш ўртасида боғлиқлик бўлмайди. Лизинг тўловларини қайтариш жадвали лойиҳа кўрсаткичлари ва шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Лизинг шартномасини тузишда томонлар лизинг тўловларининг умумий миқдори, фоиз ҳисоблаш усули, лизинг тўловларини тўлаш оралиғи (ойлик, кунлик) ҳамда лизинг тўловлари муддатининг аниқ санасини келишиб оладилар.

Қонунчиликка биноан лизинг олувчи лизинг берувчига лизинг объектидан фойдаланганлик учун ҳам асосий қарзни, ҳам фоизларини ўз ичига олувчи лизинг тўловларини тўлаши лозим. Ушбунини инобатга олган ҳолда асосий қарз ва фоизларни алоҳида жадваллар бўйича қайтарилишига йул қўйилмайди.

Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари (асосий қарз ва фоиз тўловлари) ойма-ой, айрим ҳолларда миждознинг иш фаолиятининг

мавсумийлигидан ёки халқаро молия ташкилотлари маблағларидан лизинг хизмати кўрсатилганда бош банк кредит қўмитасининг қарорига асосан чораклик, ярим йиллик тўлов графиклари қўлланилади, лизинг тўловларига имтиёзли давр берилмайди.

Жаҳон амалиётида кўпинча аннуитет ҳисоб услубига асосланган лизинг тўловлари жадвали кўпроқ қўлланилмоқда. Ушбу жадвал лизинг олувчи учун лизинг олувчи учун ҳам, лизинг берувчи учун ҳам фойдалидир. Хусусан, ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида ҳам оралик лизинг тўловларини ҳисоблашда ушбу усулдан самарали фойдаланилмоқда. Жадвалда лизинг тўлови катталиги ўзгармас бўлиб, махсус формула ёрдамида ҳисобланадиган аннуитет коэффиценти орқали белгиланади:

$$KA = \frac{1 - \frac{1}{\left(1 + \frac{P}{4}\right)^T}}{\frac{P}{4}}$$

бу ерда, КА – аннуитет коэффиценти; П – маржа ставкаси, фоизларда олинган; Т – лизинг шартномаси муҳлатининг лизинг тўловлари даврийлигига кўпайтирилган даражаси.

Бу ҳолда лизинг тўлови қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Лизинг тўлови} = \frac{\text{лизинг объекти нархи}}{KA}$$

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида 2010 йилнинг 15 декабрида “Акбаршоҳ” хусусий корхонаси билан қуйидаги шартларда шартнома тузилди:

1. Лизинг объекти бўлиб тикувчилик дастгоҳи ҳисобланади.
2. Шартнома шартларига кўра ДТ “Халқ банки” Норин туман филиали 2010 йилнинг 25 декабрида 100 фоизли бўнак тўловларини амалга ошириш йўли билан лизинг объектини 10 000 000 сўмга тенг бозор қиймати бўйича сотиб олган.
3. Лизинг муддати “Акбаршоҳ” хусусий корхонаси томонидан ижара

объекти қабул қилиб олинган пайт яъни, 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб 2 йил(8 чорак)ни ташкил қилади.

4. Лизинг тўловлари тенг улушлар билан ҳар чоракда амалга оширилади, фоизлар эса лизинг тўловларини тўлаш орасида тегишли давр тугаганидан кейин қоладиган асосий қарз қолдиғидан келиб чиқиб ҳисобланади.

5. Ҳар бир даврда қарзнинг асосий суммаси бўйича активлар қолдиғидан ҳисоблаб чиқариладиган, ижара шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси йиллик 20 фоизга тенг.

6. Ижара объектининг назарда тутилган фойдали хизмат қилиш муддати - 2 йил.

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг объектини лизингга беришда 20 фоиз рентабеллик ҳисоблайди. Бунда, П учун 20% ни киритамиз, Т учун 8 ни. Натижада аннуитет коэффициенти:

$$КА = \frac{1 - \frac{1}{\left(1 + \frac{20\%}{4}\right)^8}}{\frac{20\%}{4}} = 6,463$$

Формулага кўра, лизинг тўлови катталиги қуйидагига тенг бўлади:

$$\text{Лизинг тўлови} = 10\,000\,000 / 6,463 = 1\,547\,218 \text{ сўм.}$$

Шундай қилиб, ушбу жадвалда аннуитет услубидаги ҳисобга асосланган тўлов жадвали келтирилган бўлиб, 2 йил мобайнидаги ҳар бир чоракдаги лизинг тўлови 1 547 218 сўмга тенг бўлиб, ўзгармас бўлади. Жадвалдан кўриниб турибдики, лизинг объектининг қайтарилиш қиймати ва маржанинг катталиги аҳамиятга эга эмас.

Бироқ, потенциал лизинг олувчи лизинг тўлови жадвалида маржа катталиги ва асосий қарз қийматининг ҳар чоракда ўзгаришини кузатиб боришни хоҳлайди. Шунинг учун, тижорат банкларининг мутахассислари томонидан лизинг тўловларининг тўлиқ жадвали тузиб чиқиши мумкин, бунда маржа катталиги ва лизинг объектининг қайтарилиш нархи катталиклари акс эттирилган бўлади. Бунда маржа ускунанинг қолдиқ

қийматидан ҳисобланади, лизинг объекти қийматининг қайтарилиши қиймати эса тегишли давр учун лизинг тўлови ва маржа катталиги ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилади(бу ҳолда 1 547 218 сўм).

1-жадвал

Аннуитет ҳисоби услубига асосланган тўлов

№	Тўловларни амалга ошириш саналари	Объектнинг қолдиқ қиймати	Маржа (йиллик 20%)	Лизинг объекти нархининг қайтарилиши	Лизинг тўлови
1.	1 чорак	10 000 000	500 000	1 047 218	1 547 218
2.	2 чорак	8 952 782	447 639	1 099 579	1 547 218
3.	3 чорак	7 853 203	392 660	1 154 558	1 547 218
4.	4 чорак	6 698 645	334 932	1 212 286	1 547 218
5.	5 чорак	5 486 359	274 318	1 272 900	1 547 218
6.	6 чорак	4 213 459	210 673	1 336 545	1 547 218
7.	7 чорак	2 876 914	143 846	1 403 372	1 547 218
8.	8 чорак	1 473 541	73 677	1 473 541	1 547 218
	Жами		2 377 745	10 000 000	12 377 744

Объектни лизингга берилиши (олиниши) вақтида ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалининг даромади ва лизинг олувчининг лизинг фоизлари бўйича харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди. Улар тўлов амалга оширилган вақтдан ва пулларнинг келиб тушиш санасидан қатъи назар лизинг тўловлари жадвалига кўра тегишли ҳисобот даврларида ҳисоблаб ёзилади.

Лизинг олувчининг харажатлари лизинг шартномасининг амал қилиш муддати давомида даврлар бўйича бўлиниши ва лизинг тўловлари жадвалида лизинг шартномасининг ҳар бир даври учун сўндирилмаган дебиторлик қарзларнинг қолдиғига нисбатан доимий фоиз кўринишидаги даромадларни тан олиб бориши керак.

Келтирилган фикр ва мулоҳазалардан кўриниб турибдики, лизинг муносабатларини ҳисобга олишда унинг тўлов бўйича суммасини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, лизинг тўловларини амалга оширишда, лизинг муносабатлари

иштирокчилари орасида кўпинча келишмовчиликлар юзага келади. Бу асосан лизинг тўлови суммасини аниқлашда инфляция даражасини ҳисобга олинмаслиги билан боғлиқ.

2.3 Лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг муомалаларини бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 773-17-сон билан рўйхатдан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақалар режаси, Марказий банк томонидан тасдиқланган “Тижорат банкларида лизинг муомалаларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “Ўзбекистон Республикаси банкларида Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида” Йўриқномалари асосида ДТ “Халқ банки” Норин туман филиали томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланган ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг амалиётларини ўтказиш бўйича ички тартиб”га мувофиқ олиб борилади.

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизингга берилган активлар ҳисоби 15600- “Лизинг (Молиявий ижара)” ҳисобварақларида юритади. Дастлабки тан олиш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, ДТ “Халқ банки” Норин туман филиали лизингга берилган лизинг объектини ўз балансида соф инвестиция қиймати, яъни лизинг объектини сотиб олиш, уни лизинг олувчига етказиб бериш ва фойдаланишга шай ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси ёки унинг ҳаққоний қийматида тан олади.

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг объекти учун тўловлар сотувчига олдиндан тўлаб берилиб лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, лизинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалларини бажаради:

Дебет - 19909 Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар-

10000000

Кредит - Банкнинг вакиллик ҳисобварағи, сотувчининг ҳисобварағи-

10000000

Дебет - 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ) -

10000000

Кредит - 19909 Товар моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар-

10000000

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида банк балансига кирим қилиниб, сўнгра лизинг олувчига лизингга берилишида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

а) Дебет - 16561 Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварағи) -10000000

Кредит - 19909 ТМЗ учун тўланган маблағлар-10000000

б) Дебет - 15600 Лизинг (молиявий ижара) (мос ҳисобварағи) -10000000

Кредит - 16561 Асосий воситалар (мос ҳисобварақ) -10000000

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиали томонидан лизинг бўйича фоизли даромадлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади.

Дебет - 16323 Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар-500000

Кредит - 45100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар - 500000

Лизинг тўловлари келиб тушган ҳолларда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

а) Асосий қарзни ундирганда;

Дебет - Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари ёки миқдорнинг депозит ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи-1 047 218

Кредит- 15600—Лизинг (молиявий ижара)тегишли ҳисобварағи-1 047 218

б) Ҳисобланган фоизларни ундирилганда;

Дебет - Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари ёки миқдорнинг депозит ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи-500000

Кредит – 16323 Лизинг(молиявий ижара) бўйича олиш учун
хисобланган фоизлар(фоизли даромад суммасига)-500000

ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда активга "Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида"ги низомга асосан ўстирмаслик мақоми берилади ва активнинг келгуси ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Лизинг объекти лизинг олувчи баланси ҳисобида юритилади. Лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартлари бўзилганлиги сабабли қайтариб олинганида, ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида ушбу активнинг сотгунча уни ўз балансига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қилади:

Дебет - 16705 Банкнинг бошқа қўчмас мулклари;

Кредит - 15600 Лизинг (молиявий ижара) (мос ҳисобварақ).

Лизинг берувчи банкнинг даромади лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг амалга оширилишидан қатъий назар, тегишли ҳисобот даврларида лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ ҳисобланади.

Банклар лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи сифатида иштирок этган тақдирда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 - Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи ҳисобварағининг дебети, лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 - Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар ҳисобварағи кредитининг тегишли мос ҳисобварақларида юритилади.

Лизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет - 16515 Объектларни лизингга олиш ва уни такомиллаштириш
ҳуқуқи;

Кредит - 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг
тегишли мос ҳисобварағи.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг дастлабки тан олингандан сўнг

кейинги ҳисоб мажбурият бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва лизинг бўйича фоизлар тўлаш ҳисобини юритишдан иборат. Кейинги ҳисоб, лизинг билан боғлиқ барча хавф-хатарлар лизинг олувчига ўтганлиги сабабли лизинг олувчи банк томонидан лизинг объектини баҳолаб бориш, амортизация ажратмаларини ва шартномада кўзда тутилган бошқа харажатларни амалга ошириш ишларини ҳам ўз ичига олади.

Дастлабки тан олишда ёки объектни лизингга олиш вақтида лизинг олувчи банкнинг лизинг фоизи бўйича харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

Лизинг шартномасида лизинг олувчи банк ва лизинг берувчи лизинг тўловлари жадвалини келишиб олади, унда лизинг олувчи банкнинг фоизли харажатлари, лизинг объектининг қийматини қоплаш бўйича мажбуриятлар ва уларнинг лизинг муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

Лизинг тўловлари жадвалида лизинг олувчи банкнинг фоизли харажатлари лизинг шартномасининг амал қилиш муддати давомида даврлар бўйича тенг тақсимланиши акс эттирилиши лозим. Бунда, лизинг шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкаси қўлланилади.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дебет - 54198 Бошқа банклардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар

ёки

Дебет - 54199 Бошқа лизинг берувчилардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар;

Кт 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дебет - 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар;

Дебет - 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар;

Кредит- Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг объекти бўйича амортизация ажратмалари "Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома" талаблари асосида амалга оширилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет - 56626 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси;

Кредит - 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси.

Аниқ бир даврдаги лизинг олувчи банкнинг лизинг объекти бўйича амортизация ажратмаси ва молиявий харажатлари (лизинг бўйича фоизлари) суммаси мазкур даврда тўланиши керак бўлган лизинг тўловлари суммасига тенг бўлмаслиги мумкин.

Лизинг объектини йиллик қайта баҳолаш лизинг олувчи банк томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Лизинг олувчи банк томонидан охириги тўловлар амалга оширилганидан кейин 16515, 16519, 22100 ва 22408 баланс ҳисобварақларида мазкур лизинг муомалалари бўйича очилган шахсий ҳисобварақлар (аналитик ҳисоб) колдиғи нолга тенг бўлади ва мулкка эгалик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади.

Лизинг объектининг лизинг олувчи банкка ўтказиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дебет - 16500 Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварақ);

Дебет - 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив);

Кт 16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

Кт 165xx Йиғилган эскириш суммаси (тегишли мос ҳисобварақ).

Лизинг шартномаси муддати охирида лизинг олувчи банкка лизинг объектининг сотиш санасидаги ҳаққоний қийматидан паст нархда сотиб

олиш ҳуқуқи берилган бўлса, сотиб олиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дебет - 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар;

Кредит - Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи;

22100 - Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар ҳисобварағи ёпилганидан сўнг, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади.

Лизинг шартномаси унинг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилиб, лизинг берувчи томонидан лизинг объекти шартнома шартларида белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда, лизинг объектини лизинг берувчига қайтариш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тўхтатилган санадаги лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасида амалга оширилади ва бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет - 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив);

Кредит - 16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи.

Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) лизинг объектининг қолдиқ (баланс) қиймати ва лизинг тўловлари жадвали бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқлаганида, олдинги қайта баҳолашлардаги лизинг объекти қийматининг кўпайган суммаси, яъни олдинги баҳолашлар натижасида 30908 "Бошлангич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси" ҳисобварағининг кредит қолдиғи лизинг объектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига қўшилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу

хисобварақ буйича резерв капитални камайтиради.

3-боб. ДТ “Халқ банки” Норин туман филиалида лизинг операциялари аудитини ташкил этиш.

3.1 Лизинг операциялари аудитини ўтказишнинг мақсад ва вазифалари.

Бугунги кунда молия бозоридаги молиявий муносабатларнинг асосий иштирокчилари бўлмиш банклар йилдан-йилга ўзларининг фаолият доирасини кенгайтириб келмоқда. Тижорат банклари томонидан кенг жамоага кўрсатадиган молиявий хизматлари кўлами ошиб бормоқда. Илгари банк деганда миждозларининг пулларини сақловчи ёки қарзга маълум муддатга пул берувчи ташкилот тушунилар эди. Ҳозир эса банклар бир вақтнинг ўзида ҳам эмитент, ҳам инвестор, ҳам молиявий воситачи, бир сўз билан айтганда молиявий муносабатларда профессионал иштирокчи ва тадбиркор сифатида фаолият юритмоқда. Бу эса тижорат банклари олдида бир қатор вазифаларни бажаришни талаб этади. Жумладан, банк фаолиятида амалга ошириладиган барча банк операцияларини тўлиқ расмийлаштириш, ҳисобга олиш ҳамда уни назоратини ташкил этиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Маълумки, тижорат банклари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 982, 2000 йил 4 ноябрь) талабларига асосан уларнинг фаолияти ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан текширилиши шарт.

Республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудиторлик текширувларининг сифати ва таъсирчанлигини ошириш ҳамда аудит текширувларини халқаро стандартлар даражасида ўтказилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 43-моддаси,

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасиларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатиладиган хизматлар сифати бўйича уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида”ги, 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда Марказий банкнинг 2000 йил 24 июндаги 403-сонли “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги Низомлар билан тартибга солинади. Ушбу қонун ҳужжатларида асосан аудиторлик ташкилотлари томонидан тижорат банкларида ўтказиладиган аудит текширувлари қўламига, молиявий ҳисоботларни ишончлилигига ва ҳисоботларни расмийлаштирилишига, аудиторлик хулосаларининг мазмуни ва сифатига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу аудиторлик хулосасини ишончлилигини таъминлашда амалий ёрдам бермоқда.

Тижорат банкларини лизинг муомалаларини аудитдан ўтказишнинг асосий мақсади лизинг муомалаларини ҳисобга олиш тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш, шунингдек молиявий ҳисоботда лизинг муомалалари натижаларини тўғри акс эттирилганлигини текширишдан иборат.

Аудиторлик ташкилотлари банкларда лизинг муомалаларини аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

а) Марказий банкнинг банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификати ва ўз штати рўйхатида турган ёки аудитор билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган Марказий банкнинг малака сертификатини олган камида иккита аудиторга эга бўлиши;

б) қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларга риоя этиши;

в) аудиторлик текширувини мустақиллик, холислик, эркинлик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга

ошириши;

г) аудиторлик ҳисоботида молиявий-хўжалик операцияларининг қонунийлигини бузиш фактлари аниқланган ҳолда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс эттириши;

д) банк мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан лизинг муомалалари бўйича банкка зарар етказиш, улар томонидан амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг қасддан ёки ҳаракатсизлик оқибатида қўпол равишда бузилишига йўл қўйилганлиги каби фактлар аниқланганда банк раҳбариятига, шунингдек Марказий банкка ёзма равишда хабар бериши ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувларни қайд этиши;

е) лизинг муомалалари аудиторлик текширувлари натижалари бўйича тузилган аудиторлик хулосалари ва ҳисоботларини асл нусхаларидан бирини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз архивида сақланишини таъминлашга мажбурдирлар.

Тижорат банкларида лизинг муомалалари аудиторлик назоратининг асосий вазифаси, биринчи навбатда, лизинг муомалаларини назорат қилиб турадиган бухгалтерия ҳисоби тизими ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги, унинг бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келишлиги ҳамда қонунийлигини тасдиқлашдан иборатдир.

Ҳар қандай фаолият, хусусан, аудиторлик фаолияти самарали бўлиши учун даставвал, унинг пухта ва аниқ режаси ҳамда дастурини тузиш лозим. Тижорат банкларининг ташқи аудити мазмуни қўйилган мақсад ва белгиланган аниқ вазифалардан келиб чиқади.

Банкларда лизинг муомалаларини аудиторлик текширувини режалаштириш №3-сон “Аудитни режалаштириш” номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти билан белгиланади. Режалаштириш аудиторлик текширувининг бошланғич босқичи бўлиб, аудиторлар режа тузулгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари лозим. Стандартга мувофиқ аудитни режалаштириш қуйидаги босқичларга бўлинади:

- 1) аудитни дастлабки режалаштириш;
- 2) аудитни умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;
- 3) аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш;

Дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш имкониятини баҳолайди. Агар аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш мумкин деб баҳоласа, аудитни ўтказиш учун штатни шакллантиришга ўтади.

Лизинг муомалалари аудитини умумий режаси ҳамда дастурини ишлаб чиқишда, аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект тўғрисидаги дастлабки билимларга, шунингдек, ўтказилган тахлилий амаллар натижаларига асосланиши керак. Аудиторлик rischi ҳамда жиддийлигининг мақбул даражасини тахлил натижаларига қараб белгилашда аудиторлар №14 – сон “Аудиторлик танлаш”, №9 –сон “Жиддийлик ва аудиторлик rischi”, №6–сон “Аудитни хужжатлаштириш” аудиторлик фаолияти миллий стандартлари ва аудиторлик текширувини амалга оширишни тартибга соладиган бошқа стандартлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган стандартлардан фойдаланилади.

Тижорат банкларида лизинг муомалалари аудитини умумий режасида бошқа аудиторлик соҳаларидан фарқли равишда лизинг муомалаларига доир асосий хатолар тўпланади. (2-жадвал)

Ушбу жадвалда келтирилган хатолар рўйхати аудиторлик ташкилотининг амалий иш тажрибаси асосида шакллантирилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий-меъёрий база ўзгарган ва янги хатоларнинг аниқланишига қараб ушбу рўйхатнинг таркиби ва мазмунини ўзгартириш мумкин. Қоидабузарликлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш аудиторлик ташкилотига қоидабузарликларни мунтазам равишда тахлил қилиш, уларни аниқлаш амалиётини умумлаштириш ва қоидабузарликларнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичларига таъсирини баҳолашга имкон яратади.

Лизинг муомалаларида кўп учрайдиган хатолар рўйхати.

Тегишли лицензияга эга бўлмасдан лизинг фаолиятини амалга ошириш.	Оғзаки сўров; ҳужжатларни текшириш.
Банк ҳисоб сиёсатида лизинг мулклари ва лизинг муомалаларида тегишли қоидаларнинг йўқлиги	Ҳужжатларни текшириш.
Ташқи ва ички ҳужжатларга зид бўлган хўжалик муомалаларини содир этиш ва бухгалтерия ёзувларининг мавжудлиги.	Оғзаки сўров; ҳужжатларни текшириш; таҳлилий амаллар.
Жадаллаштирилган амортизация ҳисоблаш механизмнинг ноқонунийлиги ва нотўғри қўлланилиши.	Ҳужжатларни текшириш
Лизингга олинган асосий воситаларни ўз вақтида ва тўғри кирим қилмаслик.	Ҳужжатларни текшириш; Айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш.
Асосий воситаларни лизингга олиш бўйича муомалаларнинг ҳисобда но-тўғри акс этирилиши.	Ҳужжатларни текшириш; Айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш.
Асосий воситалардан фойдаланиш шартларига риоя қилмаслик.	Оғзаки сўров; ҳужжатларни текшириш.
Лизингга олинган асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини хизматлар таннарига асосиз қўшилиши.	Мижознинг ҳисоб китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш); ҳужжатларни текшириш; изма-из текшириб чиқиш.
Лизинг хизматларини сотиш ҳажмининг пасайтириб кўрсатилиши.	Мижознинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш); Айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; изма-из текшириб чиқиш.
Лизинг келишувларининг шартномалар тизими бўйича контрагентлар билан ҳисоб-китоблар ҳолатининг ишончсизлиги.	Мижознинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш); айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; изма-из текшириб чиқиш.
Солиқларнинг нотўғри ҳисобланиши ва тўланиши.	Айрим хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; изма-из текшириб чиқиш.
Тақдим қилинган ҳисоботнинг ишончсизлиги.	Мижознинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш); Таҳлилий амаллар

Тижорат банкларида лизинг муомалалари аудитининг умумий режаси биз юқорида санаб ўтганларимиздан ташқари: барча оралик ва умумий ҳужжатларни тайёрлаш, текширув натижаларини мијозга тақдим этиш ва

хоказоларни ҳам ўз ичига олаган ҳолда аудит ўтказишнинг барча босқичларини акс эттириши лозим.

3.2 Лизинг операциялари аудитини ўтказиш тартиби

Ташқи аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнларини ишлаб чиқишда тижорат банкларидаги лизингга боғлиқ муомалаларни текшириш учун Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сонли қарори билан тасдиқланиб, Адлия вазирлигида 2006 йил 27 декабрда 1648-сон билан рўйхатга олиган “Тижорат банкларида лизинг муомалаларини амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақалар Режаси” ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асос қилиб олинган ҳолда Ўзбекистон Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги Низомига мувофиқ ўтказилади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки тижорат банкларида лизинг муомалалари аудитини ўтказишда бошқа ҳўжалик субъектларидан фарқли равишда аудит ўтказиш жараёни иккига ажратилади:

1. Лизингни расмийлаштирилиш жараёнини аудити.
2. Лизинг муомалаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишининг аудити.

Тижорат банкларида лизингни расмийлаштириш жараёни ва унинг аудитини наъмунавий шаклини қуйидагича тасвирлаш мумкин.(3-жадвал)

Лизинг муомалаларини аудитдан ўтказувчи ҳодим учун лизинг муомалаларини текширишнинг энг муҳим жихати – бу лизинг олувчининг лизинг олаётган даврдаги молявий ва тўлов қобилияти тўғри ўрганилганлигини қайтадан текшириб кўриш, жорий фаолиятнинг қониқарлилиги ва лизинг тўловларининг доимийлиги устидан мониторингнинг тўғри йўлга қўйилганлигига баҳо бериш ҳамда банкнинг маблағларни ва даромадни сақлаб қолиш хатари даражасини аниқлашдан иборатдир.

Лизингни расмийлаштириш жараёни аудити .

№	Амалга ошириладиган жараёнлар	Амалга ошириладиган жараёнлар аудити
1.	Банк томонидан лизингга ариза (буюртма) қабул қилиниши ва лизинг олувчи билан музокаралар олиб бориш.	Лизинг бўйича йиғма жилдда ариза (буюртма) нинг мавжудлиги ва ўз вақтида махсус журналда рўйхатга олинганлиги текширилади.
2.	Лизинг олувчининг лизинг олиш учун ариза (буюртма) билан бирга тақдим қилинган ҳужжатларини қабул қилиб олиш: охирги ҳисобот санасига бухгалтерия баланси, молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар ҳақида маълумотнома, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликлар бўйича солиштирма далолатномалар; Лизинг объектининг техник иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг сотувчиси тўғрисидаги маълумотнома; лизинг бутун муддати учун пулнинг келиб тушиш прогнози кўрсатилган бизнес режа. Лизинг берувчи банклар лизинг олувчидан унинг лизинг тўловларини амалга ошириш имкониятларини баҳолаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишлари мумкин.	Мижознинг лизинг бўйича йиғма жилдида ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади. Бухгалтерия баланси белгиланган тартибда Давлат Солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Лизинг олувчи томонидан топширилган ҳужжатлар расмий тасдиқланган бўлиши керак.
3.	Лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг лойиҳасининг самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш.	Хулосанинг мавжудлиги, белгиланган тартибда жавобгар шахс томонидан имзоланган ва расмийлаштирилганлиги текширилади.
4.	Лизинг бериш ёки бермаслик тўғрисидаги кредит комиссияси қарорининг қабул қилиниши	Бунда жавобгар шахс томонидан мижознинг тўлов қобилияти белгиланган тартибда ўрганиб чиқилганлиги, чиқарилган хулоса кредит комиссиясига тақдим этилганлиги ҳамда кредит комиссияси мижозга лизинг бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор чиқарилганлиги, қарорда Кредит комиссияси аъзоларининг кўпчилигининг имзолари мавжудлиги асосий рол ўйнайди.

5.	Лизинг олувчи кредит комиссияси қарори билан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳабордор қилиш.	Лизинг бериш тўғрисида ижобий ёки салбий қарор қабул қилинганлиги ҳақида мижозни огоҳлатириб ёзилган хат нусхасининг мавжудлиги.
6.	Лизинг шартномасининг тайёрлаш ва тузилиш.	Бунда лизинг шартомаси тайёраб, тузулгани ва белгиланган тартибда ўз вақтида имзоланганлиги текширилади. Агар лизинг шартномасининг суммаси белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 барабардан ортиқ бўлса, банкнинг юридик хизмати раҳбари (ҳуқуқшунос) томонидан тегишли хулоса қилинган виза қўйилган бўлиши лозим. Лизинг шарномаси белгиланган махсус журналда қайд қилинган ва рақамланган бўлиши керак.
7.	Лизинг берувчи банк томонидан ускуналар етказиб берилиши учун сотувчига буюртма – наряд жўнатилиши.	Лизинг йиғма жилдида сотувчига жўнатилган буюртма – наряд нусхасининг мавжудлиги ва банкда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги.
8.	Лизинг объектини сотиш-сотиб олиш тўғрисидаги шартномани тузиш ва имзолаш.	Шартноманинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри расмийлаштирилиши, имзоланиши ҳамда бир нусхасининг йиғма жилдда мавжудлиги, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги текширилади. Шарномада мол-мулк муайян лизинг олувчига бериш учун сотиб олинаётганлиги билдирилган бўлиши шарт.
9.	Лизингга олинаётган мол-мулкни фойдаланишга қабул қилиб олишни амалга ошириш.	Фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси барча томонлар – лизинг берувчи, олувчи ва сотувчи томонидан имзоланган бўлиши керак. Олинган ускуналар сотувчи томонидан техник кафолат берилган бўлиши шарт.
10.	Лизинг объектини суғурталаш жараёни.	Лизинг объекти суғурта компанияси томонидан суғурталанганлиги тўғрисидаги суғурта шартномасининг нусхаси ва суғурта полисининг мавжудлиги текширилади.
11.	Лизинг учун қўшимча таъминот тури қабул қилинган бўлса, унинг расмийлаштирилиши.	Банк фаолияти ёки учунчи шахс кафиллиги тақдим қилинган бўлса, улар нусхаларининг йиғма жилдда мавжудлиги ҳамда кафилнинг тўлов қобилиятини тўғри ўрганилганлиги текшириб кўрилади.

Шунингдек лизинг муомалалари амалга оширилаётганда бухгалтерия амалиётларининг қандай бажарилганлиги ва шу давр оралиғида

маблағлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Аудитор тижорат банкининг лизинг муомалаларини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини аудиторлик текширувидан ўтказишда дастлаб тузилган лизинг шартомалари ҳамда берилган лизинг объектлари сонини тақослама таҳлилини олиб боради. Албатта улар сони бир хил

бўлиши лозим. Ундан сўнг эса, лизинг объект(лари)нинг тўғри кирим қилинганлиги текширилади. Тижорат банки лизинг объектини лизинг бериш мақсадида сотиб олганда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилиши лозим:

Дт 16500 Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварағи);

Кт 19909 Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;

Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб бериб лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилган бўлса, лизинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалларини бажарган бўлиши керак:

а)Дт 19909 Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи;

б)Дт 15600 Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ);

Кт 19909 Товар моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар.

Тижорат банкларида лизинг муомалалари аудити Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида лизинг муомалаларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ асосида амалга оширилганлиги текширилади.

Тижорат банкларида лизинг муомалалари аудити амалга оширилаётганда бухгалтерия амалиётларининг қандай бажарилганлиги ва шу давр оралиғида маблағлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Банк кредит муомалаларида кредит суммаси миқдорнинг ссуда ҳисобрақамидан тўғридан – тўғри чиқарилиб, уларга шу кундан бошлаб фоиз

ҳисоблана бошланади. Лекин, лизинг муомалаларида бундай эмас. Яъни, банк (лизинг берувчи) томонидан лизинг объектини сотиб олиш учун маблағ ўтказилган кундан бошлаб банк учун лизинг муомаласи бошланган ҳисобланади ва банк шу кундан бошлаб лизинг объекти учун олдиндан тўлов суммаси миқторидаги маблағдан айрилади. Лизинг олувчи учун эса лизинг муомаласи банк томонидан лизинг объекти учун қачон маблағ ўтказилганидан қатъи назар, лизинг объекти белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилингандан кейингина бошланади ва у шу кундан бошлабгина лизинг учун фоиз ҳисоблай бошлайди. Бунда, банк лизинг объектига пул ўтказган кундан бошлаб уни лизинг олувчига етказиб бергунгача давр учун, агар шартномада бошқа шартлар кўзда тутилган бўлмаса, ҳеч кимдан ҳеч қандай ҳақ олинмайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, лизинг муомалаларида лизинг объектига пул ўтказилган кундан бошлаб, уни етказиб берилгунга қадар бўлган давр муҳим ҳисобланади. Шу сабабли ҳам лизинг муомалаларини аудит қилиш ва унга баҳо бериш аудиторлардан алоҳида ёндашув ва билим талаб қилади. Бунда лизинг шартномасининг қандай тузилганлиги, олдиндан тўловлар ва лизинг объектини етказиб бериш муддатлари ҳамда уларга амал қилинишлигини ўрганиш ва баҳо беришга алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни, лизингнинг даромадлилиги маълум даражада шу нарсага ҳам боғлиқ. Шунинг учун тижорат банкларининг лизинг муомалаларини аудит қилишда лизинг объекти учун олдиндан тўлов ва уни етказиб бериш муддатларининг шартномада қандай белгиланганлиги алоҳида ўрганиб чиқирилиши ҳамда лизинг муомалалари давомида ушбу муддатларга айнан амал қилинганлиги текшириб кўрилиши керак. Бунда лизинг объектига ўтказилган маблағ ва уни етказиб бериш ўртасидаги муддат унчалик узоқ бўлмаслиги лозим, чунки, банк ўтказилган маблағ учун ушбу муддат оралиғида ҳеч қандай даромад кўра олмайди.

Кўпгина ҳолларда бундай ҳолат лизинг берувчи, ҳатто аудитор томонидан ҳам четда қолади. Бу эса кейинчалик банк учун лизинг нархининг

тушуб кетишига ва ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келади. Тижорат банклари лизинг олувчи бўлиб иштирок этган лизинг муомалаларини аудит қилишда энг асосий эътибор қаратиладиган жиҳати – бу банкнинг лизинг объектини ва сотувчини танлаши ҳамда шарномани имзолаш жараёнидир, шунингдек, лизинг объектидан фойдаланиш даражаси ҳам муҳим масала бўлиб қолади.

Хуллас, лизинг операциялари аудитини ўтказиш маълум бир қатъий белгилангин тартибда амалга оширилса ва унинг барча томонларини қамраб олсагина тўлақонли бўлиши ва кутилган натижани беригши мумкин. Тартиб билан ўтказилган лизинг операциялари аудити унинг натижаларини умулаштиришни енгиллаштиради.

3.3 Лизинг операциялари аудити натижаларини умумлаштириш тартиби

Тижорат банкларида аудиторлик текширувлари натижаларини умумлаштириш, яъни аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулосаси - №70-сон “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси” аудиторлик фаолияти миллий андозаси асосида ташкил этилади.

“Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар банklar фаолияти текшируви натижалари бўйича ҳисоботнинг тўғрилигини тасдиқлайдилар (ёки тасдиқламайдилар), шунингдек банklar йиллик ҳисоботга илова қилинадиган расмий аудиторлик хулосаларини берадилар. Аудиторлик хулосасисиз банк йиллик ҳисоботи Марказий банк томонидан қабул қилинмайди ва матбуотда чоп этилмайди.

Аудиторлик ҳисоботи – тижорат банки раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Аудиторлик хулосаси - молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги (тўғрилиги) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган ва ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжатдир.

Тижорат банкларида лизинг муомалаларини аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини шакллантириш аудит режаси ва дастурининг барча бўлимлари

бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади.

Аудит натижаларини баҳолаш ишлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишчи ҳужжатларни шархлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;
- аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;
- аудиторлик далилларнинг етарлилигини баҳолаш;
- фаолият кўрсатаётган корхона тамойили билан боғлиқ омилларни баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;
- ҳисобот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш;
- текширув натижалари бўйича аудиторнинг миқдор-тижорат банкига тақдим қиладиган ёзма ахборотини тузиш;
- аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида асосан текшириляётган тижорат банкининг лизинг муомалаларини амалга оширишда расмийлаштириладиган дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, банк фаолияти бир мунча мураккаб бўлганлиги учун аудиторлар кўп ҳолларда ички аудит бўлими маълумотлари билан чекланишга мажбур бўладилар. Тижорат банкларининг ички аудит бўлими ваколатларига кирмайдиган текширувлар эса албатта ташқи аудиторлар томонидан текширилади.

Таъкидлаш жоизки, текширув натижалари ва тижорат банки мутахассисларининг, хусусан, фронт офис бўлими мутахассисларининг ҳисоб-китобларини баҳолашда аудиторлар маълум даражада профессионал эҳтиёткорликка риоя қилишлари зарур.

Аудитор қуйидаги ҳоллардаги каби, катта номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатларни объектив баҳолаши зарур:

- бек офис ҳамда фронт офис ходимларига маълум бўлган, аммо аудитор томонидан очилмаган хатоларни аниқлаш фактлари;
- текширув учун зарур бўлган, аудиторга ўз вақтида тақдим қилинмаган дастлабки ҳужжатлар ёки маълумотларга доир банк муомалалари;
- мутахассисларнинг ҳисоб-китобларидаги номувофиқликлар;
- катта тафовутларнинг тасдиқланмаганлиги ва аудитор сўровларига кутилган жавоблар олинмаганлиги;
- текширув учун танлаб қилинган, аммо тақдим қилинмаган лизинг объектини мониторинги бўйича маълумотлар.

Аудитор тўпланган далиллар етарлилигини баҳолашда ушбу ҳолатлар аниқланган босқични (режалаштириш, аудит ўтказиш) ҳисобга олиши керак. Шунингдек, катта хатолар рискани дастлабки баҳолаш ва батафсил текшириш режалари ҳам эътиборга олиниши лозим. Агар бундай ҳолатлар режалаштириш босқичида аниқланган ва ҳисобга олинган бўлса, унда аудитор тўпланган далилларнинг етарлилигига ва режалаштирилган ҳамда қўшимча аудиторлик амалларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериши зарур.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичларини ўтказиш натижалари аудит ўтказишдан қўйилган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаган ҳолда аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд қилиниши лозим.

Аудитнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, умумлаштирилган ва баҳоланган текширув натижаларини камида иккита ҳужжат билан расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1. Аудит ҳақидаги шартномада кўзда тутилган давр ичидаги тижорат банкнинг лизинг муомалалари фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида ҳисобот;

2. Тижорат банкининг бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунида белгиланишича: аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва тижорат банки раҳбарига, мулкдорга, қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат.

Аудиторлик хулосасининг сарварағида аудиторлик фирмасининг тўлиқ номи, банк аудити билан шуғулланиш учун берилган сертификат номери, хулоса қайси банк учун берилаётган бўлса шу банкда аудит ўтказилиш учун масъул аудиторлари имзо чекадилар ва бу имзо аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланади.

Банк ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси Марказий банк аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича қўядиган талабларга мос шаклда тузилиши ҳамда аудиторнинг фикрини аниқ ифодалаши лозим.

Аудиторнинг фикри аудит тўғрисида амалдаги қонунчилик ва аудитнинг халқаро андозаларига мувофиқ ўтказилганлигини билдириши лозим. Аудиторлик ҳисоботида аудит амалдаги қонунчилик ва аудитнинг халқаро андозаларига мувофиқ ўтказилгани тўғрисида фикр билдирилмаса, аудиторлик ҳисоботи мазкур низом талабларига жавоб бермайди деб ҳисобланиб, ушбу аудиторлик ҳисоботи Марказий банк томонидан қабул қилинмайди.

“Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги Низомига мувофиқ аудиторлик хулосаси юзасидан Марказий банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- аудиторлик текширувлари мазмуни ва кўлами юзасидан қўшимча талаблар қўйиш;

- банклар, уларнинг филиаллари ҳамда банк билан ўзвий боғланган (аффилианган) юридик шахслар фаолиятини Марказий банк назоратчилари орқали текшириш. Бу текширувчилар банкларнинг ҳар қандай маълумотлари билан танишиш ҳуқуқига эга бўлади.

Марказий банкнинг банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатига эга бўлмаган аудиторлик ташкилоти ёки аудитор амалга оширган банк аудити ноқонуний ҳисобланади ва бу фаолиятдан олинган барча даромад давлат бюджетига ўтказиб юборилади.

Аудитор ишини ёрдамчиларига топширганда ёки бошқа аудиторлар тайёрлаган материаллардан фойдаланганда ўз хулосасининг расмийлаштириши ва сифати, шунингдек молиявий маълумотлар сир сақланиши учун жавобгарликдан ҳоли бўлмайди.

Аудиторлик ташкилотлари Марказий банкка ўтказилган аудиторлик текшируви тўғрисида ҳисобот ва ахборот тақдим этадилар. Марказий банк 10 кун муддат ичида текширув натижалари ва аудиторлик ташкилоти хулосасини кўриб чиқади.

Аудиторлик хулосаси муҳокамаси натижаларига кўра Марказий банк текширилган банк Кенгаши ва Бошқарувига аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича, хусусан, банк томонидан қонунчилик талаблари ва Бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига риоя этмаслик натижасида аудит хулосасида "эслатма" бериб ўтилган бўлса, бунда Бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига риоя этмаслик банк назоратидан ташқари бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Ушбу ҳолатларда банкка аудит хулосасида берилган "эслатма"га мувофиқ камчиликларни бартараф этиш ҳамда аудиторлик хулосасини қайта олиш учун бир ой муддат берилади.

Банклар аудит текшируви ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари банкларда ўтказилган аудит текширувлари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериб туришлари шарт.

Қуйидаги ҳолатларда аудиторлик ташкилотлари банк фаолиятини

текшируви тўғрисидаги ҳисоботлари ҳақиқий ҳисобланмайди:

- а) аудиторлик ташкилоти ёки аудитор банк билан алоқадор шахс бўлса;
- б) аудиторлик ташкилоти ёки аудитор банк олдида пул мажбуриятлари бўлса;
- в) аудиторлик ҳисоботи аудитор томонидан имзоланмаган бўлса;
- г) аудиторлик ҳисоботи аудит текшируви ўтказган банкларда аудит текширувлари ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга аудитор томонидан имзоланмаган бўлса;
- е) аудиторлик хулосасида текширув ўтказишда чеклашлар бўлганлиги сабабли "эслатма" бериб ўтилган бўлса, банк назоратидан ташқари бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Марказий банк меъёрий ҳужжатларига, жумладан, банк аудити тартиби ва услубиётига риоя этилишини назорат қилиш билан Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти шуғулланади.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодийтимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини янгилаш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, иқтисодийнинг асосий тармоқларидаги корхона ва ташкилотларнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари янгиланмоқда ва улар маҳаллийлаштирилмоқда. Бу эса маҳсулот сифатини яхшиланишига ҳамда маҳсулот таннариhini арзонлашишига ижобий таъсир қилмоқда.

Янги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, уларни замонавий техника-технологиялар билан таъминлаш ҳамда мавжуд корхоналардаги техника-технологияларни янгилашда лизингга бўлган талаб ошиб бормоқда. Ишлаб чиқарувчиларни бундай хизматларга бўлган талабини қондирувчи лизинг компаниялари билан бир қаторда тижорат банкларининг ҳам ўрни бекиёс даражада деб айтишимиз мумкин.

Республикаимизда банк лизинглари орқали илғор технологияга асосланган ишлаб чиқаришлар жорий этилмоқда, янгидан-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Қисқача айтганда, банк лизингларининг иқтисодийда тутган ўрни тобора ошиб бормоқда.

Банкларда лизинг операциялари ҳисобини ўрганиш натижасида лизинг операциялари расмийлаштириш ва ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ бир қатор ютуқларни инкор этмаган ҳолда ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўзга ташланиб қолмоқда.

1. Лизинг ҳужжатларини расмийлаштиришдаги айрим муаммолар;
2. Лизинг таъминотидаги айрим муаммолар;
3. Лизинг объекти мулк солиғи тизимининг хали ҳам етарли даражада тартибга солинмаганлиги;

Ушби ва бошқа шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилиш мақсадида биз айрим таклифларни киритмоқчимиз. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳозирги кунда тадбиркорлар томонидан талаб қилинаётган техника-технологияларнинг асосий қисми чет давлатларнинг нуфузли ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олиш, уларни етказиб келиш ва ишлаб чиқаришга тайёр ҳолатга келтиришгача бўлган харажатларнинг чет эл валютасида бўлиши лизинг шартномаларини чет эл валютасида тузишга олиб келмоқдаки, бу айрим келишмовчиликларни юзага келтирмоқда. Натижада лизинг олувчи субъект банк лизинглари тани ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни чет эл валютасида қайтаришлари керак. Қўпгина лойиҳалар, асосан, ички бозордаги талабни қондиришга мўлжалланади. Бу эса ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миллий валютага сотилади. Лекин лизинг тўловларини чет эл валютасида тўланиши, қўпгина тадбиркорларни валютада лизинг шартномаси тузишга тўсқинлик қилмоқда.

Бу муаммони ечиш учун ички бозорни таъминлаш мақсадида чет элдан келтириладиган ҳар қандай технологиялар учун бериладиган лизингларни миллий валютада ҳисоб-китоб қилиш зарур ҳисобланади.

2. Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатиб турибдики, банклар томонидан лизинг объекти бўйича олди-сотди шартномалар аниқ маълумотлар асосида тузилмаяпти ва бу банкнинг харажатларини ошириб юбормоқда. Масалан, лизинг объектини етказиб бериш муддати, етказиб беришда юзага келадиган турли хил тасодифий ҳодисалар ва бошқа ҳолатларни айтишимиз мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда банк масъул шахслари олди-сотди шартномаларини жуда ҳам аниқликда тузишлари керак. Масалан, юзага келадиган турли хил тасодифларни олдини олиш мақсадида лизинг объектини суғурталаш ва бу суғурта бўйича харажатларни бир томон ўз бўйнига олиши керак бўлади.

3. Тижорат банкларида лизинг бериш юзасидан қарор қабул қилиш муддатини чўзилиб кетишида айрим муаммолар мавжуд бўлиб, бу эса аризаларни кўриб чиқиш муддати узайиб кетиши билан боғлиқдир. Масалан, ДТ “Халқбанк” Норин туман филиалида лизинг аризасини кўриб чиқиш

муддати чўзилиб кетиши билан изоҳланади. Бу эса, шу муддат ичида мавсумий амал қиладиган лойиҳаларнинг бозор талабининг ўзгариб кетишига ва лойиҳанинг кейинчалик самарали амалга ошишига шубҳа туғдиради.

4. Муаммолардан яна бири, лизинг берувчи банк ва лизинг олувчи субъект ўртасида тузиладиган лизинг шартномасидаги камчиликлардир. Булар ўртасида ҳам асосан суғурта бўйича келишмовчиликлар юзага келмоқдаки, уларни бартараф этишда лизинг берувчи банк асосий ташаббусни ўз қўлига олиши керак. Масалан, лизинг объектини фойдали хизмат муддатини суғурталашдан иборат. Чунки лизинг объектини хизмат муддати давомида аниқланадиган носозликлар учун аниқ жавобгар томонни аниқлаш мушкул бўлиб қолмоқда.

5. Банкларда лизинг операциялари аудитини ўтказишда фақатгина уларни тўғри расмийлаштирилиши ва тўғри ҳисобини юритилишига эътибор қаратибгина қолмасдан, лизинг олувчиларнинг лизинг объектидан тўғри мақсадларда ва самарали фойдаланишини назорат қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг натижасида лизинг тўловларини тўлалигича ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш мумкин бўлади деб ҳисоблаймиз.

Битирув малакавий ишида кўрсатилган таклифлар, ўйлаймизки, банкларда лизинг ҳисобини юритиш, хужжатлаштириш ҳамда аудитини ўтказишда ўз самарасини беради деб ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни». Т., 1996 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни (2000 йил 26 май)
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т., 2008 йил.
5. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
6. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1996 йил 25 апрель.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида” ги Қонуни. – Т.: “Адолат”. 2005 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни (14.04.1999 й. N 756-I)
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 1998-йил 4-феврал.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2008-йил 20-феврал, ПФ-3968.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада еркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. “Ўзбекистон”. 2005-йил 10-июн.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2007-йил июл. Банк ахборотномаси. 2007-йил 17-июл № 28.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақларидаги нақд пулдаги тўловларни узлуксиз тўминлаш кафолатлари тўғрисида” 2005-йил 5-августдаги ПҚ-147-сонли Қарори.

14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил.

15. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”. 2010-йил.

16. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон” 2005-йил.

17. Абдуллайева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2007-йил.

18. Абдуллайев Ё., Қоралиев Т.М., Тошмуродов Ш., Абдуллайева С. Банк иши. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009-йил.

19. Веремченко С.А. Сюрпризы рейтинга коммерческих банков. Банковское дело. №2, 2005 г.

20. Ключников М.В. Экономико-статистический анализ структуры и динамики показателей пассивных операций коммерческого банка. – М.: “Финансы и кредит”. 2002 г.

21. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. – Т., ТМИ 2004.

22. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: “Аскери”. 2007.

23. Муллажонов Ф.М. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2010-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.//Бозор пул ва кредит. 2010-йил январ 1-сони.

24. Наврузова К.Н. ва бошқалар. Банк ҳисоби. “Фан ва технологиялар”. – Тошкент. 2007-йил .

25. Рашидов Ў.Ю. Пул, кредит ва банклар – Т.: ТДИУ, 2008-йил.

26. Ширинская З.Г. Нестерова Т.Н. Учет и операционная техника в банках. – М.: “Перспектива” 2007.
27. “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва еркинлаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги ИИ республика анъанавий илмийамалий конферен-сияси материаллари. Тошкент. 2007-йил.
28. Банк молия тизимидаги ислохотларга бағишланади. // Банк ахборотномаси 2008-йил. №16.
29. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008-йил.

Қўшимча адабиётлар

1. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008-йил 13-декабрдаги 28-4 сонли Қарори билан тасдиқланган йўриқнома.
2. Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида Низом(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 27 декабрда 1648-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди).
3. Тижорат банклари фоизларни ҳисоблаш тўғрисидаги Низом. 1306-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. 2004-йил 30-январ.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. 2005-йил. (2006-2010-йиллардаги ўзгаришлари билан).
5. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. 2005-йил. (2006-2010-йиллардаги ўзгаришлари билан).
6. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишни ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008-йил 3-майдаги 11/5-сонли қарори билан тасдиқланган 1834-сонли йўриқнома.

7. Ўзбекистон Республикасида “Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида”ги 11/22- Низом. 2002-йил 12-январ (2002-2010 йилдаги ўзгаришлари билан).

8. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги 1-сонли йўриқнома. 2009-йил 16-март 7/2-сонли қарори билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2009-йил 27-апрелда давлат рўйхатидан ўтказилди).

9. Тижорат банкларида касса ишини ташкил қилиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома” Рўйхат рақами 1831, 2008-йил 27-июн, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008-йил, 26-27-сон.

10. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом. Рўйхат рақами 1545, 2006-йил 14-феврал.

Интернет сайтлари

1. www.lex.uz/
2. www.scu.uz/
3. www.microfinance.uz/
4. www.uzreport.com.
5. www.banking.com